Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 67 (8057). ● 9 апрель, 1983 йил ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри О. А. Алимовнинг баҳорги экинлар экишнинг бориши тўғрисидаги ахборотини тинглади. Бу ишдаги мавжуд камчилик ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилди.

Бюро область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органларининг зиммасига табиий намликда экинларни ундириб олишнинг асосий шарти сифатида экиш ишлари, биринчи навбатда чигит ва дон учун маккажўхори экиш суръатларини жадаллаштириш ва уни тезроқ тамомлаш учун барча чора—тадбирларни кўриш мажбуриятини юклади. Токзорлар барпо этишга оид ишларни кучайтириб юбориш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Бюро 1983—1987 йилларда Тошкент шаҳрида 100 от кучига эга трактор двигатели ишлаб чиқарадиган мотор заводи қуриш юзасидан партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг вазифаларини белгилаб берди. Мазкур корхонанинг биринчи навбати 1984 йилда, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача фойдаланишга топширилади. Корхонанинг қурилиши пахтачиликни комплекс механизациялашнинг энг муҳим масалаларини ҳал этиш имконини беради.

Бюрода чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқа етиштиришни ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобига ўтказиш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида Қорақалпоғистон область партия комитетининг ҳисоботи муҳокама қилинди. Область партия комитетига чорвачиликни ва озуқа етиштиришни бутун чоралар билан интенсивлаштиришдан иборат бош вазифани ҳал этишга оид ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш вазифаси топширилди.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар бир ишчи ва умуман коллективнинг самарали меҳнатини ҳар куни аниқ ҳисобга олиш соҳасидаги иш тажрибаси маъқулланди. Корхонада бундай ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган системаси жорий этилганлиги натижасида меҳнат интизомининг бузилиши, кадрлар қўнимсизлиги камайди, тартиб ва уюшқоқлик мустаҳкамланмоқда, бирлашма ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланмоқда.

Ўн биринчи беш йилликда Жиззах области ва Жиззах шаҳри ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Марказий Комитет бюроси республикада кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилиши суръатини жадаллаштириш, М. И. Калинин номли Андижон давлат медицина институтини янада ривожлантириш, Тошкент шаҳрини иссиқлик билан пухта таъминлаш масалаларини ва бошқа баъзи масалаларни ҳам кўриб чиқди.

САБЗАВОТЧИЛИКДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯГА КЕНГ ЙЎЛ

БАҲОР кун сайин чирой очиб, кучга тўлиб, чор атрофга муаттар ҳидларини таратиб, далаларни, боғ-роғларни гўзал қилмоқда. Кўклам кайфиятимизни чоғ этиб, дилларимизни яйратиб, ҳар биримизнинг ғайратимизни булоқдек жўш урдирмоқда. Меҳнат аҳлини, дала ва фермаларнинг сардорларини жасоратга руҳлантирмоқда. Вақтни қадрла, ерни эъзозла, авайла, маҳоратингни кўрсат, тажрибангни, билимингни ишга сол, қийинчиликлардан чўчима, бойликларни кўпайтир! — демоқда кўклам.

Пахта етиштиришни кўпайтиришни ўзларининг бош вазифаси, эл-юрт олдидаги интернационал ва ватанпарварлик бурчлари деб билган заршуносларимиз чигит экишни ўтган йилдагидан анча барвақт тугалладилар. Ҳозирги кунда бутун диққат-эътибор уруғликни ернинг табиий намига бир текис ундириб олишга қаратилган.

Сабзавот пайкалларида эртаки экин ниҳоллари яшнаб турибди. Биринчи ишлов тугалланди. Боғбонларнинг меҳнати ҳам кўзга ташланиб қолди. Токлар барг ёзиб, шўра чиқариш арафасида. Мўл-кўлчилик учун кураш ҳар областимиз сабзавоткорлари ва картошкакорлари олдинги сафда бормоқдалар. Зотан, областимиз бу турдаги экинлардан маҳсулот етиштиришда республикада етакчи ўринларни эгаллайди. Бу ҳар бир деҳқон зиммасига катта масъулият юклайди. Улар ўтган йили социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарган эдилар. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун ҳам оширилган мажбуриятларни олдилар. Бу йил кам деганда 440 минг тонна сабзавот, 25,4 минг тонна қовун-тарвуз, 89 минг тонна хўл мева, 91 минг тонна узум етиштирилади.

Илғор районлар, хўжаликларнинг тажрибаси, улар ҳар йили эришаётган ютуқлар ва кўрсаткичлар бизда зиммага олинган бу юксак социалистик мажбуриятларнинг ҳеч сўзсиз бажарилиши учун барча имкониятлар, резервлар борлигидан далолат беради. Бу жиҳатдан сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Калинин ва Тошкент районларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу районларда ҳар йили гектаридан 180—190 центнердан картошка, 350—400 центнердан сабзавот ҳосили олинмоқда, мева кўпаяётир. Улар эришаётган ютуқларнинг сири шундаки, кўпгина хўжаликларда дала ишлари бригада пудратн асосида ташкил этилган. Деҳқонлар ўз меҳнатларининг провард натижалари қандай бўлишини яхши биладилар. Бригадалар, звеноларда ишнинг нарядсиз усулда ташкил этилиши, ердан, техникадан, ўғитлардан ва бошқа ресурслардан ғоятда самарали ва тежамли фойдаланиш, агротехника тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилишига катта ёрдам бермоқда.

Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози, Тошкент районидаги «Ленин йўли», Карл Маркс номли колхозлар, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозида мўл-кўл маҳсулот олинмоқда.

Ҳозир сабзавотчилик, боғдорчилик, соҳибкорликда ишлар айниқса, қизғин паллага кирган давр ҳисобланади. Ҳар кун, ҳар соат ғанимат. Дала ишларини илғорлар тажрибаси асосида ташкил этиш, ҳеч шубҳасиз, мўл ҳосил тўплаш, аҳолини эртаки, сифатли сабзавотларни кўпроқ етказиб бериш имкониятини беради. Бу мақсадга эришмоқ учун резервлардан тўла ва мукаммал фойдаланиш талаб этилади. Гектарлар самарадорлиги, демак, экинлар ҳосилдорлигини ошириш — муҳим резерв ҳисобланади. Ваҳоланки, айрим хўжаликларда ҳар гектаридан 110—120 центнердан картошка, 150—200 центнердан сабзавот, 50—60 центнердан мева ҳосили олинмоқда. Бунинг сабаби аён. Чунки улар сабзавотчиликка ўтгай кўз билан қарайдилар. Бу экин учун унумдор ерлар ажратилмайди. Бунинг устига агротехника тадбирларини ўтказишда жиддий камчиликларга йўл қўйилади. Буларнинг ҳаммаси ялпи маҳсулотнинг камайиб, таннархининг қимматлашиб кетишига олиб келмоқда. Бу йил ана шундай камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун қолоқ технологияга барҳам бериш керак. Нима учун сабзавотчилик, картошкачиликда ҳам Тошкент технологияси деб ном олган индустриал усулни жорий қилиш мумкин эмас?!

— Мумкин, — деб жавоб беришмоқда ишнинг кўзини билган миришкор деҳқонлар. Бунинг бирдан-бир йўли хўжаликнинг ўзида ички ихтисослаштиришни тезроқ тугаллаш, нарталарни йириклаштириш, бир майдонда кўпи билан 2—3 хилдаги экин турларини ўстиришга эришишдан иборатдир. Ана шунда механизациядан кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Бир ердан икки, ҳатто уч марта ҳосил олиш истиқболларига эга бўлинади. Сабзавотчиликда ҳам пахтачиликдаги сингари кўчатларнинг бутлиги, гектарларнинг тўлалиги учун кураш хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, ўрта бўғин кадрлари, барча деҳқонларнинг доимий диққат марказида бўлиши зарур. Бунинг учун эса тадбиркорлик талаб этилади. Қатор ораларига ишлов бериш муддатларига қатъий риоя қилиниши, иш сифати доимо назоратда бўлиши лозим. Сув камчил бўлиши кутилаётган бу йилги шароитда ҳар бир литр об-ҳаётдан тежамли фойдаланиш лозим. Сифатли ҳосил олиш учун сабзавотчиликда асосан маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ғоят муҳимдир.

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози деҳқонлари бундан бир неча йил илгари далаларда бегона ўтсиз сабзавот етиштириш ташаббусини бошлаган эдилар. Бу ташаббуснинг асосини механизациядан омилкорлик билан фойдаланиш ташкил этади. Афсуски, уларнинг бу илғор тажрибаси кўп ҳолларда эсдан чиқариб қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети областимиз деҳқонларининг бу йил картошка етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади. Бу тадбирларнинг сўзсиз ва знёдаси билан бажарилишига ҳисса қўшиш ҳар бир район, ҳар бир хўжалик, ҳар бир бригада, звено меҳнаткашларининг жанговар ва шарафли бурчидир.

Сабзавотчиликда ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имкониятини берадиган резервлардан яна бири — бу хўжаликларда ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйишдан иборатдир. Гап шундаки, айрим район ва хўжаликларда маҳсулот етиштириш, тайёрлаш планлари анча ошириб бажарилади-ю, бироқ маҳсулотнинг баъзи турлари бўйича, масалан, картошка, сабзавот, мева-узум планлари бажарилмай қолмоқда. Нега? Аслида бундай маҳсулотлар кам етиштирилмоқдами?! Йўқ. Бундай деб айтиб бўлмайди. Етарли тартиб ва интизом ўрнатилмаганлиги оқибатида далалар, боғ-роғлардаги пишиб етилдиган ҳосилнинг бир қисми йиғиб-териб олиш, транспортларга жойлаш пайтида нобуд бўлмоқда.

Ҳар бир хўжаликда сабзавотчиликда илғор технологиянинг жорий қилинишини таъмин этиш зарур. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, агросаноат бирлашмалари ва мутахассислари коллективларда олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб, ишларнинг боришини таҳлил этиб, зарур бўлган тақдирда амалий ёрдам беришлари керак. Далада ишлаётганлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб, социалистик мусобақанинг оммавийлиги, ошкоралиги ва таъсирчанлигини ошириш — резервлар, имкониятларнинг тўла ишга туширилишини таъминловчи ғоят катта кучдир.

Сабзавот, картошка, мева-чева мўл-кўллиги — дастурхон тўкислигини таъминлаш ва СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишини тезлаштиришга ҳисса қўшиш — ҳар бир деҳқон аҳлининг шарафли бурчидир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида узоқ истиқболга мўлжалланган СССР Энергетика программасиннг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорлари асосида тузилган лойиҳасини кўриб чиқди. СССРнинг Энергетика программаси мамлакатни узоқ муддатли иқтисодий ривожлантиришнинг асосий стратегик вазифасини ҳал этишни таъминлаши лозим. Бу вазифа мамлакат экономикасини тезроқ интенсив ва энергияни тежайдиган тарзда ривожланиш йўлига ўтказиш мақсадида уни структуравий, техникавий ҳамда ташкилий-хўжалик жиҳатдан қайта қуришдан иборатдир.

Программа 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлар бўйича қилинган ҳисоб-китоблар негизида, шу даврда мамлакат олдида турган проблемаларни ҳал этиш зарурлигига асосланиб, шунингдек эришилган ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциали базасида ишлаб чиқилди.

СССРнинг Энергетика программаси мамлакат энергетика балансининг структурасини яхшилашга, атом энергетикасини, шу жумладан тез нейтронлар билан ишлайдиган реакторларни жадал ривожлантиришга, янги энергия манбаларини қидиришни давом эттиришга қаратилгандир. Ғарбий Сибирда газ ва нефть қазиб чиқаришни янада кўпайтириш ҳамда уларни мамлакатнинг Европа қисмига ташишни таъминлаш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш негизида ёқилғи-энергетика комплекси самарадорлигини изчиллик билан ошириш, энергияни ҳамда ресурсларни тежашнинг пухта системасини вужудга келтириш тадбирлари кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантириш энергетика балансини такомиллаштириш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш асосида энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ҳамда уларни тежаб-тергаб сарфлаш партия, совет ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, Совет Иттифоқи барча меҳнаткашларининг энг муҳим вазифалари эканлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан шартномадаги мажбуриятларга риоя этиш ва бу ишда министрликлар, идоралар ҳамда корхоналарнинг масъулиятини ошириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳозирги кўламларида, у кенг миқёсда ихтисослаштириладиган ва кооперациялашаётган бир пайтда барқарор хўжалик алоқалари, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг белгиланган ҳажмлар ва номлардаги маҳсулотни етказиб бериш топшириқларини қатъий бажаришлари умуман халқ хўжалигини ва унинг барча бўғинларини янада ривожлантиришнинг ҳамда улар аниқ-пухта ишлашларининг ғоят муҳим шартидир. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномадаги мажбуриятларни бажаришда тартиб ва интизом ўрнатиш борасидаги тадбирлар белгиланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси айрим тармоқлар ва иқтисодий районларни ривожлантиришга доир таклифларни киритиш ҳамда қабул қилиш тартиби ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Бундай таклифларни амалга ошириш катта-катта капитал маблағларни талаб этади. Бундай таклифларни иқтисодий ва социал ривожланиш перспектив ва жорий планларини тузиш билан яхшироқ боғлаш, уларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва зарур ресурслар билан таъминлаш кўзда тутилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида меҳнат коллективлари тўғрисида амалдаги қонунни янада ривожлантириш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни бошқаришда уларнинг ролини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

КЕЧА

ОФСЕТ УСУЛИДА БОСИЛДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг қўлингиздаги ушбу сони аввалгиларидан фарқли офсет усулида босилди. Бугундан бошлаб республика ва область газеталаридан яна 6 таси ана шу усулда босила бошланди. Эрта-индин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида ҳамма газеталар шу усулда чоп этилади. Бу фактни нашриёт директори ўринбосари Фатто Абдураҳмонович АБДУРАҲМОНОВ шарҳлайди:

— Янгича усулга ўтиш туфайли газеталар сифати яхшиланди, уларни босиб чиқариш суръати бир неча бор тезлашди. Энг муҳими, бу усул журналистлар ва босмахона ишчилари меҳнати унумдорлигини сезиларли даражада оширди, цехларда шовқин камайди. Илгари икки соат ичида 700 минг нусха газета чоп этилган бўлса, энди шу вақт мобайнида 2 миллион нусхадан ортиқ газета тайёрланмоқда.

Бундай прогрессив усулга ўтиш учун аввалдан пухта тайёргарлик кўрилди. Янги газета комплекси қурилди, марказий босмахоналардан юқори малакали мутахассислар таклиф этилди, махсус курсларда ишчилар тайёрланди. Ҳозир замонавий корхонамизда Иттифоқимиздаги ўнлаб заводлар ва Германия Демократик Республикасидаги «Пламаг» фирмасида тайёрланган замонавий босма машиналари ўрнатилган.

Шу билан бирга газеталарни офсет усулида босишга ўтишдан асосий мақсад уларнинг полиграфик безагини янада яхшилаш, эстетик шаклининг материаллар мазмуни билан мутаносиб бўлишини таъминлашдир.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Тошкент область партия комитетида шаҳар ва район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимлари мудирлари, партия комитетлари лекторлари, «Билим» жамияти шаҳар ва район ташкилотлари секретарлари, касаба союз ва комсомол ходимлари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда лекция пропагандасининг КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган муҳим вазифалари муҳокама этилди.

Семинар-кенгашда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев доклад қилди.

8 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган партия-хўжалик активларининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг 60 йиллиги» тўғрисидаги докладида баён этилган қоида ва хулосалар асосида транспорт ишини яхшилаш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари кўриб чиқилди. Йиғилишда область ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар, идораларнинг, Ўрта Осиё темир йўли бўлимларининг, авиация бўлинмалари ва автомобиль трестларининг раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ходимлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов йиғилишни кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи А. М. Қодиров, Фарғона область партия комитетининг секретари С. М. Тиллахўжаев, Самарқанд локомотив депосининг машинисти И. Бобоев, Шўрчидаги 77-автомобиль корхонасининг бригадири Д. Маматқулов, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри А. Ф. Гаврилов, Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министри А. Қ. Қаюмов, Октябрь Революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводининг бошлиғи М. З. Мартьянов, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи Г. М. Рафиқов, Навоий цемент заводининг директори Т. Х. Тошпўлатов, Тошкент авиация корхонаси «ИЛ-62» самолётининг командири Ю. А. Бригадиренко, Ховос локомотив депосининг инструктор-машинисти С. Я. Широких иштирок этдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан кишилар республика саноати, қурилиш тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, бутун экономикаси муваффақиятли ишлашини таъминлашда транспортнинг жуда катта ролини қайд этиб, транспортнинг ҳамма турларини комплекс ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳақида гапирдилар. Беш йиллик бошланганидан бери бу соҳада бирталай иш қилинди. Чунончи юкларнинг асосий ҳажмини ташиб бераётган Ўрта Осиё темир йўли бир қанча станция ва участкаларнинг қувватини оширди, ҳаракат составини янгилади. Бу йил биринчи квартал плани муддатидан илгари тугалланди, топшириқдан ташқари 27 миллион тонна юк ва саккиз миллион пассажир ташилди.

Бироқ, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, темир йўл транспортини ривожлантиришга тобора кўпроқ миқдорда сарфланаётган капитал маблағ ҳали дуруст самара бераётгани йўқ. Жумладан, Ўрта Осиё темир йўлида поездлар қатновини ва вагонлардаги юкларни тушириб олишни ташкил этишдаги, локомотивларни ремонт қилиш ва ишлатишдаги камчиликлар сусткашлик билан тугатилмоқда. Шу сабабли ҳар куни хом ашё, асбоб-ускуна, металл, ёнилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган минглаб вагонлар йўлда тўхтаб қолмоқда. Поездларнинг ҳаракат графиги бузилишининг ярмиси айниқса, Тошкент, Ховос, Жиззах, Қарши, Термиз деполарида тепловозларга яхши қаралмаслиги ва улар яхши ишлатилмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Вагонларнинг оборотини жадаллаштириш энг муҳим резервдир. Бу кўрсаткич белгиланган нормага етказилса бир йил мобайнида икки миллион тоннадан кўпроқ юкни қўшимча равишда ташиш мумкин бўлур эди, деб уқтиришди нотиқлар. Шу муносабат билан улар шох йўлларда вагонларнинг туриб қолишини қисқартириш масаласини ўртага қўйдилар. Бу ишдаги кўп нарса йўлларнинг хизматидан фойдаланувчи корхоналарга ва ташкилотларга боғлиқ. Йиғилишда республика тайёрлаш, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат саноати, қурилиш министрликлари корхоналари кескин танқид қилинди. Корхоналарнинг транспорт цехларини тез ривожлантириш, юк ортиш-туширишни механизациялаш бу соҳадаги аҳволни тузатиб олишга ёрдам беради. Республиканинг кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари Москва корхоналарининг ташаббусига қўшилиб, вагонларни ремонт қилишга киришдилар, вагон ремонт қилувчи бригадалар ва участкалар ташкил этмоқдалар. Аммо, афсуски, Тошкент трактор заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати сингари катта-катта корхоналар мана шу қимматли тажрибани шу кунгача ҳам ўрганиб олганлари йўқ.

Йиғилишда корхоналарнинг шох йўлларини ривожлантириш, вагонлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ташилаётган юкларнинг сақланишини таъминлаш проблемалари тўғрисида ҳам гапирилди. Партия ташкилотлари, темир йўл муассасаларининг раҳбарлари олдига снёсий-тарбиявий ишни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун активроқ курашиш, кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш вазифаси қўйилди.

Республика экономикасида автомобиль транспортининг роли жуда катта. Мавжуд автомобиллар халқ хўжалигининг эҳтиёжларини таъминлашга қодир эканини ,бутун иш машина ва прицеплардан тўғри фойдаланишга боғлиқ эканлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Бултур республика автомобиль транспорти министрлигининг 16 та трестидан 10 таси машиналарнинг юк кўтариш ва тортиш қувватидан фойдаланиш топшириқларини бажармади. Прицеплардан кенг фойдаланиш — бу вазифани бажариш калитидир. Аммо тармоқдаги ҳар уч автомобилнинг биттасигина прицеп билан таъминланган, идораларга қарашли автомобиль транспортида эса юк машиналари прицеплар билан бундан ҳам камроқ таъминланган.

Машиналарнинг иш сменасини кўпайтириш, уларнинг бекор туриб қолишини камайтириш, юксиз бекор юришини қисқартириш автомобиль паркидан энг мақбул тарзда фойдаланиш учун катта аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан йиғилишда сўзга чиққан кишилар Ўзбекистонинг ягона наряд асосида ишловчи илғор автотранспорт бригадалари тажрибасини ҳамма жойда жорий қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Автотранспорт ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан йўлларнинг сифатига боғлиқ. Йиғилишда шундай рақам айтиб ўтилди: ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон йўллари тармоғини ривожлантиришга, автомобиль магистралларини ремонт ва реконструкция қилишга бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Қатнов интенсивлигининг ўсиши, кўп юк тортувчи машиналар ва автопоездларнинг пайдо бўлиши, республика экономикасининг ривожланиши — мана шуларнинг ҳаммаси ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон йўлчилари олдига автомобиль магистралларининг асосий тармоғини қайта қуриш суръатларини жадаллаштириш, неча ўн километрлаб янги замонавий автомобиль йўллар қуриш вазифасини қўяди.

Авиация транспортида пассажир ва юк ташиш ҳажми доимо ортиб бормоқда. Унинг парки кўп юк кўтарадиган самолётлар, тобора қулай, шинам пассажир машиналари билан доимо тўлдирилмоқда. Самолётларни ишлатишдаги коммерция кўрсаткичларини ошириш, пассажирларга хизмат қилишни яхшилаш авиаторларнинг муҳим вазифаси эканлиги йиғилишда уқтириб ўтилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида республикада меҳнат интизомини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Бу ишда ҳам шаҳар пассажир транспортининг ҳамма турлари аниқ ишлаши катта аҳамиятга эга эканлигини кўпгина нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Кейинги йилларда янги-янги автобус, трамвай, троллейбус маршрутлари очилди, Тошкент метрополитени ишдан суръатлар билан қурилмоқда. Бироқ, жамоат транспортини ташкил этишда жиддий камчиликлар бор, бу эса меҳнаткашларнинг ҳаққоний таъналарига сабаб бўлмоқда. Пассажирларга хизмат қилиш даражасини муттасил ошириш лозим.

Йиғилиш қатнашчилари транспорт тармоқларидаги меҳнат интизомини ошириш масалаларига, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишига, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаб-тергаб сарфлашга кўп эътибор бердилар. Бу проблемалар министрликлар ва идоралар, давлат автомобиль инспекцияси раҳбарларининг доимий контроллиги остида бўлиши керак. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида бутун фаолиятни такомиллаштириш юзасидан транспорт тармоқларининг коллективларидаги агитация-пропаганда, тарбиявий ишни активлаштиришлари, шу корхоналар маъмуриятининг хўжалик фаолияти устидан контролликни кучайтиришлари зарур.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. С. Симонов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари республика транспортининг ҳамма турлари ишини янада такомиллаштириш, уларнинг самарали равишда ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ишлашига эришиш тадбирларини белгиладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Темир йўллар министрининг ўринбосари Б. Д. Никифоров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТРАНСПОРТ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози уруғчиликка ихтисослаштирилган. Ҳозир далаларда иш қизғин. Айниқса, 2-бригада аъзолари ўзаро мусобақада яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳозир бу бригадада экилган 18 гектар пиёз иккинчи ишловдан чиқарилмоқда.

Суратларда: колхозчилардан (чапдан) Л. Шодмонов, М. Азимов ўртоқлар экининг ҳолатини кўздан кечирмоқдалар. Пиёзни культивация қилиш пайти.

Ф. Абдурасулов фотолари.

ПАРТИЯ ТАРИХИНИ ЧУҚУР ЎРГАНАЙЛИК

СИЕСИЙ МАКТАБЛАР ТИНГЛОВЧИЛАРИНИ ПРОБЛЕМАЛИ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкент область партия комитети сиёсий маориф уйида «КПСС тарихи» ва «КПСС тарихий тажрибаси» курслари бўйича машғулотлар олиб борадиган пропагандистларнинг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия тарихини ўрганишда проблемали ўқитиш усулларидан фойдаланиш ва шу асосда марксча-ленинча таълим системасида шуғулланаётган тингловчиларнинг билим савиясини ошириш тўғрисида гап кетди.

В. И. Ленин Коммунистик партиянинг тарихини революцион ишчилар синфи, меҳнаткашлар оммаси социалистик революциянинг ғалабаси, янги тузумни мустаҳкамлаш учун курашда сабоқ оладиган «олий фанлар қурси»га ўхшатган эди. Ҳозирги шароитда КПСС тарихининг тарбиявий роли бундан ҳам юксакдир. Бу гап турмушга қадам қўйиб келаётган авлодни коммунистик ғоявийлик, синфий онглилик руҳида тарбиялашга айниқса тааллуқлидир.

Партия ташкилотлари, идеология ходимлари, — деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорида, — КПСС раҳбарлигидаги совет халқининг ғалабалари, партиянинг жамиятимиз турмушидаги ўсиб бораётган аҳамиятини ишонарли тарзда яққол кўрсатиб беришлари, тарбиявий ишда социализм учун курашнинг шонли анъаналаридан кенгроқ фойдаланишлари лозим. Коммунистлар билан комсомоллар Ленин партиясининг қаҳрамонона тарихини яхши билишлари, кундалик ишларда унинг омма орасидаги обрўйи ва таъсирини кучайтиришлари зарур.

Коммунист ва партиясиз тингловчиларга КПСС тарихини ўрганишда ёрдам бераётган областимиз пропагандистлари ҳам буни ўзларининг асосий вазифалари, деб билмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги шу мақсадда ўқитишнинг проблемали усулидан муваффақиятли қўлланмоқдалар.

Проблемали ўқитиш усулининг моҳияти, унинг афзалликлари нимада?

Давра суҳбати қатнашчилари бу соҳадаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

С. Г. ЗЕМЛЯНСКИЙ — Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг пропагандисти:

— Машғулотларимиз тингловчиларда коммунистик эътиқодни тарбиялаш мақсадига қаратилгандир. Коммунистик эътиқод эса фақатгина тайёр хулосалар асосида шакллана олмайди. В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир киши ўзида коммунистик дунёқарашни шакллантириш устида жиддий иш олиб бориши керак. Ўқитишнинг проблемали усули тингловчиларни ўз устларида мустақил ишлашлари, мустақил фикр юритишларини тақозо этади.

Ўқитишнинг бу усули тингловчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларда ўрганилаётган мавзуни чуқур эгаллашга қизиқиш уйғотишга хизмат қилади, машғулотларнинг жонли ўтишини таъминлайди.

Мен машғулотлар ўтказаётган группа тингловчилари 3-ва 7-цехлар коммунистларидан иборат. Ўзим бу цехларда узоқ йиллар давомида ишлаб келганман. Шунинг учун ҳар бир тингловчини, унинг қобилиятини яхши биламан. Машғулотларга тайёргарлик кўриш пайтида буни ҳисобга оламан. Ҳар бир мавзу ўрганилаётганда тингловчиларнинг ўзида муносабат, баҳс юритиш истаги туғилиши учун ҳаракат қиламан.

Бунга эришиш пропагандистдан ҳар бир машғулотга пухта тайёргарлик кўришни, кўргазмали ва техника воситаларидан самарали фойдаланишни талаб этади.

Ўқитиш проблемали усулда олиб борилганда пропагандист тингловчиларга ўз нуқтаи назарини тиқиштирмаслиги керак. Аксинча, у тингловчилар фикрини диққат билан тинглаши, машғулотни якунлаш пайтидагина улар томонидан билдирилган мулоҳазаларни умумлаштириши лозим.

Машғулотлар ўтказишнинг бу прогрессив усулини барча пропагандистлар ўртасида кенг ёйиш лозим. Бу усулда ҳар бир мавзуни ўрганиш программада белгиланганидан анча кўпроқ вақтни талаб қилади. Шунинг учун сиёсий ўқув ташкилотчилари машғулотларда техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланишлари керак. Ўқитишнинг проблемали усули методикасини ишлаб чиқиш ҳам талаб этилади.

А. ТОШХЎЖАЕВ — Бўстонлиқ район медицина-санитария қисмининг пропагандисти:

— Революцион назарияни ўзлаштириш фақатгина билимларни эгаллаб қолишнигина эмас, шунингдек, бу билимлардан ижтимоий воқеаларни таҳлил этишда фойдалана билишни ҳам тақозо қилади. Шунинг учун ўқитишнинг проблемали усулини қўлланиш катта аҳамиятга эгадир.

Мен марксизм-ленинизм асослари мактабида «КПСС тарихи» курси машғулотларини олиб бораман. Проблемали ўқитиш усулларидан фойдаланиб, тингловчилар активлигини оширишга эришаётирман. Ҳар бир машғулотда тингловчилар ўзаро баҳс, мунозара орқали ўрганилаётган мавзуни чуқур ўзлаштиришларига ҳаракат қиляпман.

Проблемали ўқитиш усулининг муваффақияти кўп жиҳатдан бундай машғулотларга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқдир. Шунинг учун ўзим мавзуни ҳар тарафлама ўрганаман, марксизм-ленинизм классиклари асарлари, партия ва ҳукуматимиз қарорларидан фойдаланаман. Тингловчиларда баҳс, мунозарага сабаб бўлиши мумкин бўлган саволларни ҳам олдиндан тайёрлаб қўяман. Бунда саволларни алоҳида варақка кўргазмали қилиб ёзиб қўйиш ҳам яхши натижа беради.

Ўқитишнинг проблемали усули тингловчиларга ҳар бир мавзуни ҳар тарафлама, чуқур ўрганиш имконини беряпти.

> **«ПАРТИЯ МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИ ИШОНАРЛИ ҚИЛИБ КЎРСАТИШНИ, ЯНГИ-ЯНГИ ПРОБЛЕМАЛАРНИ ЖИДДИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИ, ЯНГИ ФИКРЛАР ВА СЎЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ПРОПАГАНДАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИ ДЕБ БИЛАДИКИ, БУНДАЙ ПРОПАГАНДА ҲАММА ВАҚТ ҲАҚҚОНИЙ ВА РЕАЛИСТИК, ҚИЗИҚАРЛИ ВА ТУШУНАРЛИ, ДЕМАК ЯНАДА ТАЪСИРЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ».**
>
> (КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қаророридан).

Г. З. ГОРОБЦОВ — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўта чидамли металлар комбинатининг пропагандисти:

— Машғулотларни олиб борадиган пропагандист олдида ҳамиша тингловчида сиёсий адабиётга қизиқиш уйготиш, ўрганилаётган мавзуни ҳаёт бугунги кунда олдимизга қўяётган вазифалар билан боғлай олиш, ўқув қатнашчиларининг меҳнат ва жамоат фаолиятини активлаштириш вазифаси туради. Ўқишнинг проблемали усулидан фойдаланиш бу мақсадларга эришиш имконини беради. У тингловчиларнинг воқелик устида мустақил фикр юритишга, ўз нуқтаи назарини асослаш ва ҳимоя қилишга ўргатади.

Пропагандист тингловчининг савиясини ҳисобга олган ҳолда унга ўрганилаётган мавзудаги муаммоларни аниқлай олишда кўмаклашиши, сўнг уни мулоқатга жалб этиб, бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини биргаликда муҳокама қилишга тортиши керак.

Ўқитишнинг проблемали усули фақат машғулотлар ва ўқув топшириқлари билан чекланиб қолмайди. Кейинги йилларда партия ўқувида тингловчиларга амалий топшириқлар бериш тажрибаси ҳам қўлланиляпти. Улар шакли ва мазмуни бўйича турлича бўлиши мумкин. Масалан, биз КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми материалларини ўрганаётганимизда тингловчилар муҳокамасига металлни тежаш, бригада пудратини жорий этиш бўйича яна нималар қилиш мумкин, деган масалани ташладик. Улар буни ўзаро муҳокама этиб, қимматли фикрлар билдирдилар. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Ш. ХАМИДУЛЛИН — Ўрта Чирчиқ районидаги колхозлараро механизациялашган кўчма колонна пропагандисти:

— Пропагандист ўрганилаётган мавзуни қанчалик чуқур билмасин, у ҳаёт, меҳнат коллективи фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, тингловчиларда қизиқиш уйғотиши қийин. Шунинг учун мен ҳар бир машғулотни колоннамиз, участкалар, бригадаларимиздаги ишлар билан боғлиқ ҳолда ўтказишга интиламан.

Социалистик мусобақани авж олдиришда партиянинг ташкилотчилик ва сиёсий ишини ўрганишга бағишланган машғулотда тингловчиларга нима учун А. Нигай, Ш. Гадельшин, Г. Юсуповлар бошлиқ комплекс бригадалар коллективлари социалистик мусобақа пешқадамлари ҳисобланадилар, деган савол бердим. Улар бу бригадаларда малакали қурувчилар ишлаши, ҳар бир қурувчи бир неча касбни биниши, коллективда меҳнат интизоми мустаҳкам эканлигини мисоллар билан исботлаб бердилар. Тингловчилар қурилишдаги камчиликларни ҳам очиб ташлайдилар.

Биз ўқув таъсирчанлигини ошириш учун техника воситалари — киноаппарат, магнитофон, фильмоскопдан ҳам кенг фойдаланамиз. Бунинг ўқитишнинг проблемали усули билан қўшиб олиб борилиши машғулотлар савиясини ва самарадорлигини оширмоқда.

П. А. ДОЛГИХ — «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пропагандисти:

— КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарори тингловчиларга коммунистик партиямиз шонли тарихини ўрганаётган биз, пропагандистлар олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўяди. Ҳар биримиз совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида эришган тарихий ютуқларини, КПССнинг кўп қиррали фаолиятини, унинг жамиятимиз ҳаётида ортиб бораётган ролини чуқур ва ишонарли очиб беришимиз керак.

Биз мамлакатимиз коммунистик қурилиш мобайнида дуч келаётган муаммо ва қийинчиликларни ҳам четлаб ўта олмаймиз. Бундай ҳолларда ҳамиша бўлганидек Ленинга, унинг асарлари ва ғояларига мурожаат қиламиз. Улардан даврамизнинг долзарб масалаларига жавоб излаймиз.

Бизни фақатгина В. И. Ленининг асарларигина эмас, шунингдек унинг шонли, қаҳрамонона ҳаёти ҳам руҳлантиради. Шунинг учун ҳам мен ҳар бир пропагандист мунтазам равишда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалида тез-тез бўлиб туриши керак, деб ҳисоблайман. Бу ердаги бой тарихий материаллар, қимматли ҳужжатлар, бошқа экспонатлар машғулотларни ўтказишда қўл келади.

Мен сиёсий ўқув машғулотларини олиб борар эканман тингловчилар марксизм-ленинизм классиклари асарлари устида мустақил ишлашларига алоҳида эътибор бераман. Бу проблемали ўқитишнинг энг муҳим ҳусусиятларидан биридир.

Ўқитишнинг проблемали усули соҳасидаги тажрибалари билан, шунингдек Ўзбекистон металлургия заводининг пропагандисти П. Н. Гренадеров, «Аҳангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пропагандисти В. Я. Нус ва бошқалар ҳам ўртоқлашдилар.

Давра суҳбатини КПСС тарихи курси бўйича методик совет раиси П. Д. Рассказов олиб борди.

● УЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институти ходимлари янги конларни қидириб топиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдалар. Суратларда: минералогия лабораторияси илмий ходими Р. Валиев, маъдан ва минералларни тадқиқ қилиш лабораторияси катта инженери Дилбар Сандовалар иш устида.

В. Сироткин фотолари:

КАМ БЎЛМАНГ, ОПАХОН!

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Мавжуда ўнинчи синфни тугатаётган кезлар эди. Синфдаги қизларнинг барчасини район матлубот жамиятига таклиф қилишди. У ерда ўтказилган суҳбатдан сўнг кўпчилик қизлар савдода ишлашга қарор қилишди. Мавжуда ўзи яшайдиган «Политотдел» колхози территориясидаги магазинга сотувчига шогирд бўлиб ишга олинди. Орадан бир неча ой ўтгач Янгибозор посёлкасида янги хўжалик магазини очилиб, уни сотувчиликка ўтказишди. У ўша мустақил ҳаётга қадам қўйган илк бор иш кунларини шундай эслайди:

— Менинг савдо соҳасида муқим ишлаб қолишимга сабаб устозларим бўлган. Бир умрга улардан миннатдорман. Колхоздаги магазинда устозим Руҳия Мирюнусова ҳар бир кишига аёлларга хос хушфеъллик, назокат билан муомала қилар, ким нима деса эътибор билан эшитар, зарур бўлса, вазминлик билан тушунтирарди. У кишининг эл орасидаги иззат-ҳурмати жойида эди. Янгибозорга ишга ўтгач магазин мудири Саидваққос Атемқуловдан кўп нарсани ўргандим. У «магазинга кирган харидорни очиқ чеҳра билан қутиб ол, заррача қўполлик уйдан меҳмонни ҳайдаб чиқариш билан баробар, молларни кўзга ташланадиган қилиб саралаб қўйиш лозим, магазин ҳар доим вақтида очилиб, вақтида ёпилиши керак. Шундагина харидорнинг кўнглини олиш мумкин» деб таъкидларди. Бу насиҳатга амал қилиб кам бўлмадим. Ўз ишимнинг қадр-қимматини кўтаришга ҳаракат қилдим. Бошқа соҳани хаёлимга ҳам келтирмадим. Мен билан иш бошлаган синфдошларим кейинчалик савдодан кетиб қолишди. Бундоқ ўйлаб қарасам қўнимсизлик аслида шундай бошланаркан.

Мана, чорак асрки, Мавжуда Қосимхўжаева савдо соҳасида ишламоқда. 1964 йил «Ёшлик» универмаги очилиб, уни хўжалик моллари бўлимига катта сотувчи қилиб ўтказишди. У устозлари йўлини давом эттирди. Ёшларни ҳалол ишлаш, касбга меҳр қўйиш, совет савдо ходими номига муносиб бўлиш руҳида тарбиялямоқда. Ҳозир мазкур универмагнинг ўзида унинг 30 га яқин шогирди ишламоқда. Улардан бир нечтаси секция мудири.

Мавжуда Қосимхўжаева ишчанлиги, беминнат хизмати, ташкилотчилиги билан ҳаммага намуна. У бошчилик қилаётган бўлим ўз-ўзига хизмат қилишга ўтказилган.

Бу усул кўп жойда қўлланилади-ю, лекин ҳамма ерда ҳам унинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланилмайди. Ўз-ўзига хизматда, харидор мол танлашда эркинликка эга бўлади. Яхшироқ кўриб, текшириб, танлаб олади.

Кейинги йилларда кенг халқ истеъмоли моллари айниқса, рўзғор товарларининг хили анча кўпайди. Ҳамма харидор ҳам барча турдаги моллардан фойдаланишни яхши билмайди, ёки ўзлаштирмаган. Шунда Мавжуда Қосимхўжаеванинг сезгир шогирдлари қайси хилни олишда маслаҳат ва ёрдам беришади. Шубҳасиз бу сафарги харидан кўнгли тўлган харидор янаги сафар ҳам мазкур дўконга келади. Шу ўринда Коммунистик район матлубот жамияти ва давлат савдоси касаба союзлари комитетининг раиси Муҳиддин Қобуловнинг гапини келтириб ўтмоқчимиз:

— Мавжуда Қосимхўжаева касбига чинакам ихлос ва меҳр қўйганлардан. Харидорни жалб қила олади. Ҳатто Паркент ва ундан ҳам юқори зоналардан «Мавжуда опанинг магазинига тушиб чиқамиз» деб келишади. Уни қўшни районлардан келадиганлар ҳам яхши танишади. Опа аҳоли талабэҳтиёжини ўрганишга алоҳида эътибор беради мол учун буюртмалар беришда шахсан қатнашади, ҳатто корхоналаргача бориб келади.

Маълумки Тошкентдаги «Шарқ» мебель фирмаси шифоньер, каравот, диван, тумбочка, Олмалиқ мебель фабрикаси стол-стул, сервант, ошхона йиғмаларини ишлаб чиқаради. Мавжуда Қосимхўжаева бу корхоналарга бориб харидорларнинг фикр-мулоҳазаларини билдиради. Мебелларнинг рангини танлайди, қулф-калитларнинг сифатига эътибор беради. Табиий, ана шундай қилиб танлаб олиб келинган буюмлар харидорларнинг дидига мос тушади.

Шундай бир пайтлар бўлдики, мебелларнинг оёқлари сифатсиз ўрнатилиб бу харидорларнинг ранжишига, безиб кетишига олиб келди. Шунда Мавжуда опа корхонага бўрди, унинг маъмуриятига мурожаат этди. Талашди-тортишди, харидор манфаатини ҳимоя қилди. Муддаосига эришди.

Бўлимда харидорлар эҳтиёжини ўрганиш бўйича алоҳида дафтар тутилган. Унга кишиларнинг талаблари, эҳтиёжлари, истак ва таклифлари ёзиб қолдирилади. Мана баъзи мисолларни келтириб ўтамиз. Кейинги йилларда харидорлар йиғма столлар зарурияти ҳақида истаклар билдиришди. Бўлим коллективи бу таклифи чуқурроқ ўрганди. Бу энг харидоргир моллардан бирига айланиши аниқланди. Шунда дарров Сергелидаги мебель фабрикаси маъмурияти билан маслаҳатлашишди. Тез орада бундай йиғма столлардан келтириб сотилди.

Мавжуда Қосимхўжаева савдонинг прогрессив форма ва методларини кенг қўллаганлиги, ташкилотчилиги, яхши мураббийлиги учун кўп марта тақдирланган. «СССР матлубот кооперацияси аъзоси», тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар зарбдори нишонлари берилди, унга.

Мавжуда Қосимхўжаева, асли деҳқон оиласидан. Чинни опа ва отаси Саидакром ака «Политотдел» колхозида оддий колхозчи бўлишган. Акаси Саидусмон Қосимхўжаев Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Турмуш ўртоғи Ғайрат Бекматов билан олти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишяпти.

Ҳалол меҳнат, ўз касбини улуғлаш ва унинг қадр қийматига етиш бизда ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди. Буни Мавжуда опа мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Сиз одамларга садиқдилдан хизмат қиляпсиз, асло кам бўлманг, опа!

Б. ПЎЛАТОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Похолдан озуқа

● ШОВВОЗ ғаброволиклар охурга қипиқ солиб от қипиқни пичан деб билсин учун қўзига кўк қўзойнак тақиб қўйганлар, деб ҳикоя қилишади. Микробиологлар эса похол сингари қипиқ ҳам хушхўр ва тўйимли озуқа бўлиши мумкин дейдилар. Бунда қўзойнакка эҳтиёж йўқ бўлади, албатта.

Қозоғистонлик мутахассислар целлюлоза мураккаб молекулаларини арабиноза, ксилоза, глюкоза каби қанд моддаларига парчалаш усулини топдилар. Олигосахара деб эталувчи бу модда ҳайвон организмида осон ҳазм бўладиган содда моддаларга айлана олади. Лекин маълум химиявий жараён—целлюлоза гидролизига нисбатан техник қанд модданн ҳосил қилиш учун янги биологик усул таклиф этилди. Целлюлозани бактериялар емга айлантиради. Бу бактерияларни қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ички органларидан ажратиб олиш мумкин бўлди.

Қозоғистон ССР Фанлар академияси биология ва вирусология институтининг олимлари похолдан ширадор озуқа тайёрлаш учун шу бактериялардан фойдаланишни таклиф қилдилар. Ўтган қиш Олмаота областидаги «Каскеленский» совхози қўйларига 60 тонна шундай силос берилди. Шунда қўйлар худди концентрат бериб боқилган сингари бир кунда 200 граммдан семирди.

Институтда похолдан силос бостириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

О. БАБИЙ, ТАСС мухбири. Олмаота.

Қўй териси учун азот ванна

● ҲОЗИРГИ усталар қўй териси жунини ўтмишдаги кўнчиларга нисбатан ғоятда тез оладилар. Бунинг учун улар суюқ азотнинг музлатиш таъсиридан фойдаланадилар. Минус 196 градус температурада қўй тери таёқдек қотиб, механик ишлов беришга мойил бўлиб қолади. Бу нарса қўй териси чонга ботирилгандан кейин бир неча минутдан сўнг жуни батамом тушиб кетишига имкон беради.

Озарбайжон Фанлар академияси радиацион тадқиқотлар секторининг ходимлари Боку кўн заводининг ишчилари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан усул тери пишириш жараёнини тезлатибгина қолмай, бундан аввал қўлланиб келган қимматга тушувчи химиявий реагентларни кераксиз қилиб қўйди. Узоқ ва кўп босқичли ишлов бериш ўрнига қисқа муддат азотли ваннага ботириб олиш усули қўлланила бошланди.

Янгиликни қўллаш терининг пишиқлиги, эластиклигини оширади, унинг ташқи кўринишини яхшилайди. Пойабзалнинг усти ана шу теридан тайёрланади.

Н. БАРСКИЙ, ТАСС мухбири. Боку.

Янги генератор

Пахта тозалаш заводларида иссиқлик ҳосил қилиш учун СТАМ-К-2 генераторидан фойдаланилади. Бу мослама техник керосин ёрдамида ишлайди. Пахта тозалаш марказий илмий текшириш институтининг катта илмий ходими Н. Вишневский иссиқлик генераторининг турини яратди. У областимиздаги Алимкент, Оққўрғон, Қорасув пахта тозалаш заводларида ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Янги генераторнинг аввалгисига нисбатан бир қатор афзалликлари бор: қурилмани ясаш учун 8 баробар кам металл сарфланади; ёқилғи сарфи 28 процентга камаяди; меҳнат унумдорлиги икки баравар ортади. Мазкур генераторни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида корхона ўрта ҳисобда йиллиг 20,4 минг сўм фойда кўрмоқда.

Мана шу афзалликлари туфайли ТЖ-1,5 генератори республикамиздаги мавжуд пахта тозаловчи корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бу генератор Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш этилмоқда.

Қ. ЭРДОНОВ.

«300» СТАН: ИШЛАР ЮРИШИБ КЕТДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ва бутун Ўрта Осиёнинг тўнғич қора металлургия корхонаси — В. И. Ленин номидаги Бекобод заводини реконструкция қилиш кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган янги, қудратли агрегатларни ўрнатиш ишлари олиб бориляпти.

— Ҳаммага маълумки, бизнинг қурилишимиз КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларида тилга олинган, — дейди бош пудратчи — «Узбекметаллургстрой» трести бошқарувчиси Р. Соатов. — Унинг аҳамияти жуда катта, республикамиз халқ хўжалигининг металл прокатига бўлган эҳтиёжини қондиришда ёрдам беради.

Бунёдкорлик ишлари катта майдонда амалга оширилмоқда. Мавжуд ишлаб чиқаришлар ремонт ва реконструкция этилмоқда, айни вақтда янги қувватлар бунёд қилинаяпти. Ҳозирги вақтда бош пудратчининг асосий кучлари янги «300» прокат стани барпо этилаётган объектга тўпланган. Республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бўлинмалари ҳам ана шу муҳим иншоотга тобора кўпроқ ишчи кучи, техника воситалари ажратмоқдалар. Рустави шаҳрида «Грузгипрозем» институти лойиҳаси асосида қурилаётган бу стан ҳар йили бир миллион тоннага яқин навли прокат ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Стан ишга тушгач, республикамизда тайёрланаётган барча металлом шу ерда қайта ишланади. Бу жуда катта иқтисодий самара беради: биринчидан, ишлаб чиқариш бевосита истеъмолчиларга яқин бўлса, иккинчидан, республикамизда тайёрланган металломни ҳозирги вақтдаги каби мамлакатимизнинг бошқа корхоналарига юборишга барҳам берилади. Бу билан кўплаб давлат маблағи тежаб қолинади.

Бу йил станнинг биринчи навбатини фойдаланишга топшириш планлаштирилган. У йил давомида 600 минг тонна заготовка тайёрлашга мўлжалланган. Бу заготовкалар ҳозирги вақтдаги каби қайта ишлаш учун бошқа шаҳарлардаги металлургия корхоналарига юбориб турилади.

Янги прокат стани қурилиши 1980 йилда бошланган эди. Бу ерда, айниқса, ўтган йили бунёдкорлик ишлари ҳажми кескин ортди. Бош пудрат бўйича 11 миллион сўмлик иш бажарилиши керак эди. Лекин, «Узбекметаллургстрой» трести ўтган йили бу вазифанинг уддасидан тўла чиқа олмади. Асосий сабаб ёрдамчи пудратчи ташкилотларни ишга жалб этишдаги чалкашликлар бўлди. Айниқса, «Узстальконструкция» трестининг Бекобод бошқармаси ишга суст киришди. Металл конструкциялари ва йиғма темир-бетон деталларини монтаж қилишга ихтисослашган бу бошқарма ўтган йили 1 миллион 200 минг сўмлик маблағни ўзлаштирмади.

Бу йил бунёдкорлик ишлари аҳволи сезиларли яхшиланиб бормоқда. Шу бошқарма коллективи ўтган биринчи кварталда 500 минг сўмликдан ошиқроқ монтаж ишларини амалга оширди. Натижада 93-ихтисослашган, «Узэлектромонтаж», «Средазтепломонтаж» трестлари бўлинмалари учун етарли иш фронти вужудга келтирилди. Лекин, ишга туширладиган комплекс составидаги иссиқликни сақлаш қурилмасини барпо этишдаги қолоқлик бош пудратчини хакли равишда ташвишга солмоқда. Бу шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, Тўйтепа металл конструкциялари заводи ўтган биринчи кварталда бинокорлик материаллари етказиб бериш топшириқларини ҳадаллаштириб юборишга астойдил интилмоқдалар. Улар қонун кучига эга бўлган планни сўзсиз бажариш иштиёқи билан меҳнат қилишяпти.

Ишга туширладиган биринчи навбат комплекси кўпгина объектларни ўз ичига олади. Улар орасида уч қаватли бош корпус ва 240 метр узунликдаги уч қаватли машина зали иш ҳажмининг катталиги ва мураккаблиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бош корпус ҳозир жадал қурилмоқда, машина залида эса бунёдкорлик ишлари тугалланаяпти. Унинг биринчи қавати технологик асбоб-ускуналарни монтаж қилиш учун топширилди. Бу комплекс қурилишидаги муҳим босқичдир. Ҳозир ана шу объект қурилиши майдонида 1400 дан ортиқ бинокор ва монтажчи меҳнат қилмоқда. Иш икки сменада олиб борилмоқда.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бу муҳим объектда кўпгина миқдордаги ишчи ва моддий-техника ресурсларини жамлашганлиги учун ҳам иш суръати ой сайин ортмоқда. Ҳозирги вақтда қурилишда иштирок этаётган ташкилотларнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш, ҳамма коллективлар куч-ғайратини аниқ мақсадга йўналтириш катта аҳамиятга эгадир. Бу ишда ҳар ҳафтанинг чоршанба куни ўтадиган область қурилиш штаби катта роль ўйнамоқда. Штаб йиғилишларида қурилишдаги аҳвол чуқур таҳлил қилинмоқда, у ёки бу ташкилотнинг қолоқлик сабаблари аниқланиб, уларга зудлик билан ёрдам бериш чоралари белгиланяпти ва амалга ошириляпти.

И. АҲМЕТОВ.

ЁШ КОММУНИСТЛАР МАКТАБИ

Станокчилар Учқун Режаматов билан Владимир Кузнецов тайёрлаган рефератлар «аъло» баҳо билан қабул қилинди. Уларнинг иккаласи ҳам «Ташсельмаш» заводидаги ёш коммунистлар мактабида ўқишади ва ўз илмий ишларини жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш проблемаларига бағишладилар.

Рефератларнинг авторлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида асослаб берилган назарий қоидаларни корхона қаётидан олинган мисоллар билан мустаҳкамладилар. Бунда уларнинг тажрибаси ҳам қўл келди. Рандаловчи У. Режаматов ва токарь В. Кузнецов ўзлари бажараётган операцияларни бирга қўшиб олиб бориш ва меҳнатни илмий ташкил этиш ҳисобига ўз станокларида беш йиллик бошидан бери ишлаб чиқариш унумдорлигини бир ярим баравар оширдилар. Улар асбобсозлик цехида биринчи бўлиб янги универсал пахта териш машиналарини кўплаб ишлаб чиқариш учун заводга зарур бўлган деталлар туркумига ишлов беришни тугалладилар.

«Ташсельмаш» заводида ёш коммунистларнинг ўқиши уларнинг корхона ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштиришдаги актив иштироки билан боғлаб олиб борилмоқда. Мактаб тингловчилари бригада ва цехларнинг «намунали интизом ва тартиб коллективи» номини олиш учун бошланган социалистик мусобақа ташаббускорлари бўлиб чиқдилар. Улар интизомни бузувчиларни танқид қилувчи сатирик варақалар ва плакатлар чиқарилишига ёрдам бердилар. Ёш коммунистлар У. Режаматов ва В. Кузнецовлар эса ички резервлардан фойдаланиш ҳисобига йиллик топшириқларни сентябрь ойигача бажаришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАММА КАСБ ШАРАФЛИ

— Менга ёшларнинг бугунги кундаги жасорати тасвирланган китоблардан бер сангиз.

— Мен илмий-фантастик асарлардан ўқишни истардим...

Кутубхоначи Жамилахон Бобобекова уларнинг олдига хилма-хил адабиётларни қўйиб, қисқа тавсифлаб ҳам берди. Китобсевар дугоналар зиёкор опалари хизматидан мамнун ҳолда чиқишди.

Жамила Бобобекова Бекобод райони марказий кутубхонасининг 12-филиалида бир неча йилларидирки, астойдил хизмат қилиб келяпти. У мудиралик қилаётган А. Мавлонов номли совхознинг 3-бўлимида жойлашган кутубхона ҳамиша саранжом, шинам ва файзли. Совхоз ишчилари, йигит-қизлар ёруғ хоналарда мутолаа қилишади. Бу ерда китобхонларга тез ва намунали хизмат кўрсатишнинг янги усуллари жорий этилган. Китобхонлар сони ҳам кун сайин ошиб, ҳозир 500 нафарга етди.

Ж. Бобобекова кутубхонада ўтказилаётган ҳар турли тадбирлар, конференциялар, савол-жавоб кечаларига ташкилотчилик қилмоқда. Хушмуомала, ҳозиржавоб зиёкор ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат маданият институти кутубхоначилик факультетида сиртдан таҳсил кўрмоқда, деб ёзади газетхон **Х. Турақулов.**

Коммунистик райони «Политотдел» колхозининг «III-Интернационал» участкасидаги кутубхонанинг ширинсухан мудираси Турсуной Гойибназарованинг ибратли фаолияти ҳақида редакциямизга М. Ҳасанова ҳам тўлқинланиб ёзиб юборган.

Ҳолбуви Мирбобоевани «Гўзал» номли болалар боғчасининг кичкинтойлари «музикачи опамиз» деб севишади. Х. Мирбобоева 10 йилдан буён Ўрта Чирчиқ район «Коммунизм» колхозида тарбияланаётган кичкинтойларга куй ва қўшиқ ўргатади. У ўргатган Ватан, она, меҳнат ҳақидаги қувноқ қўшиқ ва рақсларни тарбияланувчилар байрам эрталикларида ижро этадилар. Холбуви болаларнинг санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириш учун ўз устида тинмай ишлаяпти, республика мактабгача тарбия билим юртида эгаллаган тажриба ва кўникмаларини татбиқ этаяпти.

ХАТЛАРГА ОБЗОР

— Дарҳақиқат, Холбуви Мирбобоева қишлоқ аҳлининг чинакам олқишига сазовор бўлмоқда, — деб ёзади «Машъал» газетаси ишчи-мухбирлар университети тингловчиси **К. Раимқулова.**

Республика «Луначарское» санаторийсида даволаниб, дардидан фориғ бўлган колхозчи **М. Бердиқулова** ўз мактубида даволаш муассасасининг бир группа шифокорларига, миннатдорчилик изҳор қилган.

Редакциямиз ёш авлодга билим бераётган устоз-муаллимлар ҳақида ҳам талайгина хатлар оляпти.

Абдураҳмон ака Тўлагановнинг Тошкент районидаги Навоий номли 6-мактабда муаллимлик қилаётганига 40 йил тўлди. У СССР халқ маорифи аълочиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи. Тажрибали педагог раҳбарлик қилаётган мактаб коллективи ўқувчиларнинг 100 фоиз ўзлаштиришига, намунали ҳулқ эгаси бўлишларига эришмоқда. Яқинда мактабда катта шодиёна бўлди. Ўқитувчилар, Абдураҳмон аканинг миннатдор шогирдлари унинг қутлуғ юбилейини катта тантана билан нишонлашди, деб ёзибди ўз мактубида **Т. Дўсонов.**

Чирчиқлик мактаб ўқувчиси **Ф. Аҳбоев** заводда ишлаб ҳалол меҳнати билан обрў қозонган онасини, барча оналарни, опа-сингилларни бахт ва баҳор байрами билан қизғин табриклаб мактуб йўллаг.

Баҳор келиб, бободеҳқонларимизнинг ҳар йилги ташвишлари бошланди. Дала ишларида ота-оналарига ҳамиша яқин кўмакдош бўлган мактаб ўқувчилари ҳам шай бўлиб турибдилар.

Ғалаба районидаги Абай номли 16-мактабда бундан ўн беш йил муқаддам ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси тузилганди. Мактаб ўқувчилари бригадада ишлаб дўстлик, ҳамкорлик, бир-бирига ўзаро ёрдам бериш каби хислатларни ўзларида шакллантириб бормоқдалар. Улар ҳар йили Волков номли совхоз далаларида бўлиб дон ва силос етиштиришда катталарга фаол ёрдам бермоқдалар.

Районда ёш ёрдамчилардан ташкил топган ана шундай 41 та ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси фаолият кўрсатмоқда. Яқинда бўлиб ўтган слётда 16-мактаб ўқувчилари келгусида ҳар бир мактабда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тузиш таклифи билан чиқдилар. Таълимни меҳнат билан узвий равишда олиб бориш иштиёқи барчага маъқул келди, деб ёзади газетамиз штатсиз мухбири **И. Раимбеков.**

Дарҳақиқат, редакциямиз олаётган ранг-баранг мактубларда ҳар соҳада фидокорона меҳнат қилаётган кишиларимизнинг бугунги сермазмун, жўшқин ҳаёти акс этмоқда.

Халқаро ҳаёт

СССРнинг КЎМАГИ БИЛАН

ГАВАНА. (ТАСС). Кубалик мутахассислар Совет Иттифоқи билан самарали ҳамкорлик туфайли ҳар қандай гидромелиоратив ишларни ўтказиш учун билим ва тажрибага эгадирлар. Гидроресурслар миллий институтининг директори Педро Луис Дортикос бу ерда ана шу гапни айтди.

СССРнинг техникавий ёрдами билан, деб таъкидлади П. Дортикос, республикада 80 дан кўпроқ йирик гидромелиоратив комплекс қурилди. Бу комплекслардаги сувнинг умумий запаси 4,5 миллиард куб метрдан ошиб кетди. Бу эса ерларни сунъий суғориш усулидан кенг фойдаланиш имконини бермоқда.

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БРАЗИЛИЯ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

БРАЗИЛИА. (ТАСС). Бу ерда тинчликни ҳимоя қилувчи Бразилия маркази тузилди. Рио-Де-Жанейро шаҳрида ўтказилган муниципал мажлисининг тантанали йиғилишида сиёсат ва жамоат арбоблари, студентлар ва ишчи ёшлар, зиёлиларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар. Таниқли архитектор Оскар Нимейер тинчликни ҳимоя қилиш Бразилия маркази маслаҳат кенгашининг президенти қилиб сайланди.

Марказ миллатга баёнот билан мурожаат қилиб, унда бразилияликларни бутун дунё халқлари билан биргаликда инсоният узра пайдо бўлган ядро хавфига қарши, тинч-тотув яшаш ва кескинликни юмшатиш учун курашни кучайтиришга даъват этди.

АГРЕССИВ СИЁСАТ ҚОРАЛАНДИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти бош секретарининг ўринбосари А. Г. Гилан Қўшма Штатларнинг агрессив сиёсатини кескин қоралади. Вашингтон дунёнинг турли районларида, шу жумладан Яқин Шарқда ҳам кескинликни яна да кучайтириш йўлидан бормоқда, деди у ТАСС мухбири билан суҳбатда. Айни АҚШ Исроилнинг стратегик иттифоқчиси бўлиб олиб, Тель-Авивни замонавий қурол-яроғ билан таъминламоқда, унга сахийлик билан иқтисодий ва молиявий ёрдам ҳамда сиёсий мадад бермоқда.

Мана шундай шароитда Совет ҳукуматининг Яқин Шарқ ҳақидаги баёноти жуда ўз вақтида берилган баёнот бўлиб янгради, деб таъкидлади А. Г. Гилан. Бу ҳужжат агрессорни очиқ-равшан огоҳлантирди ва араблар дунёсида кенг миқёсда қўллаб-қувватланди. Совет Иттифоқи араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш, оккупация қилиб олинган ерларни қайтариб олиш ва фаластинлик араб халқининг ҳақиқий миллий ҳуқуқларини қондириш учун олиб бораётган одилона курашига ўзининг қатъий ва доимо мададкор эканини яна бир бор намойиш этди.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан ватанпарварлари Исроил агрессорларига қаршиликни кучайтирмоқдалар. Улар кейинги ой мобайнида муваффақиятли равишда ўтказган 26 операция давомида 30 га яқин босқинчи ўлдирилган ва ярадор қилинган, талайгина миқдордаги ҳарбий техника йўқотилган. Партизанлар Сайда районида Исроил ҳарбий юк машиналари колоннасига пистирма қўйиб, уни граната метлардан ўққа тутганлар.

Сайда, Тир, Набатияда ва Жанубий Ливаннинг бошқа катта аҳоли пунктларида оккупациячи гарнизонлар тўла жанговар шай ҳолга келтириб қўйилган, кўчалар ва йўлларда кеча-ю кундуз соқчилик жорий қилинган. Ҳарбий вертолетлар доимо осмонда учиб юрибди, турар-жой кварталларида мунтазам суратда тинтувлар ўтказилиб, одамлар қамоққа олинмоқда.

Кечагина Исроил солдатларидан икки киши ўлдирилган. Айни Зхальта қишлоғи аҳолисига нисбатан босқинчилар икки кундан буён репрессияларни тўхтовсиз давом эттирмоқдалар. Жазо отрядларининг бўлинмалари ана шу қишлоққа олиб борадиган барча йўлларни тўсиб қўйиб, жуда синчиклаб тинтув ўтказмоқдалар.

Кейинги кунларда босқинчилар илгари эришилган барча битимларни бузиб, Байрутда бир қанча контрол—ўтказиш пунктларини ўрнатдилар.

Айни вақтда Тель-Авив Ливаннинг босиб олинган районларида ҳарбий кучларини кўпайтирмоқда. 2 кун мобайнида Сайда орқали мамлакатнинг тоғли районларига танклар ва бронетранспортерларнинг, артиллерия ва ракета установкаларининг, ўқ-дори ва аслаҳа анжомлар ортилган ҳарбий юк машиналарининг кўпдан-кўп колонналари жўнаб кетди.



ЧССР. Нова-Роледаги завод Чехословакия чинни саноатининг энг кенжа корхонасидир. Бу заводдан ҳар йили Совет Иттифоқига 100 вагондан кўпроқ чинни идиш юборилади. Суратда: завод цехларидан бирида.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

● БУХАРЕСТ. Руминия бинокорлари йил бошидан бери 68 ишлаб чиқариш объектини ишга туширдилар. Химия саноатига 9 та янги ишлаб чиқариш қуввати, металлургия саноатига 6 та, станокозлик, энергетика ва электротехника саноатига 9 та, машинасозликка 26 та, қишлоқ хўжалигига 16 та янги ишлаб чиқариш қувватлари қўшилди.

Яна 22 та объект қуриб битказилди. Бу объектлар яқин кунларда давлат қабул комиссияларига топширилади.

● ДЕҲЛИ. Жанубий Ҳиндистондаги Тамилнаду штатининг маъмурий маркази бўлмиш Мадрасда почта кабутарларининг мусобақаси бўлиб ўтди. Қўшни Карнатака штатининг маркази — Бангалордан учирилган мусобақа қатнашчиларининг ҳаммаси 360 километр масофани учиб ўтиб манзилга етиб келди. Инженер Ч. Арунанидхининг кабутари маррага биринчи бўлиб келди. У масофани 4 соату 40 минутда учиб ўтди. Кабутарнинг ўртача тезлиги соатига 40 километрга яқинлашган.

● ОСЛО. Норвегиялик 58 ёшли Карл Эмиль Петерсен апрель ўрталарида ғалати бир чанғи саёҳатига жўнаб кетади. Унинг йўли дунёдаги энг катта орол — Гренландия орқали ўтади. У Ангмагссалик посёлкасидан бошланувчи 600 километрлик маршрутни 30 кунда босиб ўтмоқчи. Чанғичининг жами вазни 70 килограммга борадиган ихчам анжомлари орасида махсус ясалган чана чодир, қоп кўрпа, навигация приборлари, озиқ-овқат запаси, фото камера ва бошқа зарур ашёлар бор.

1975 йил К. Э. Петерсен Шпицберген ороли тевараги-дан сузиб чиққан эди.

(ТАСС).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

11—17 АПРЕЛЬ

11 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

МТ-I. 9.00 —«Время». 9.40— У. Сулайменов. «Замин, инсонга таъзим эт». Поэма. 10.15 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Золушка». 12.05 —«Мўъжизасиз-мўъжизалар». 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — «Онамларнинг мактаби». 16.35 — Озарбайжон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг чиқиши. 17.10 — «Ғалла сабоқлари». Телевизион очерк. 17.55 — Концерт. 18.15 — «Ёшлар адреслари». 19.15 «Қанотли қўшиқ». Концерт. 19.30 — «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 20.00 — Ф. Шопен. 4-фа-минор балладаси. 20.15 — «Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30— «Время». 22.05 —«Космосдаги бу узоқ йўл». Телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси. 23.05 — Футбол шарҳи. 23.35 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Тоғ қўлларининг сири». 9.35 ва 10.35 — Адабиёт. 10.05 — Рус тили. 11.05 — «АБВГДейка». 11.35 ва 12.40 — Давримиз Ленинномаси. 12.05 — «Фан ва турмуш». 13.10 — География. 13.40 — Жамиятшунослик. 14.10 — Физика. 14.40 — Илмий-оммабоп фильм. 14.55 — Г. Свиридов ижодида Пушкин мотивлари. 15.25 — «Космос. Москва вақти билан». Илмий-оммабоп фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.00 —Чанғи спорти бўйича СССР чемпионати. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 — «Бернард Альбанинг уйи». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 18.00 — «До-ре-ми-фа-соль». 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат». 19.30 — «Ахборот». 19.45— Концерт. 20.30— «Ахборот». 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугун оламда нима гап?». 22.20 — «Қанотлар ҳақида достон». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.10 — «Уссурий қўриқхонаси». Телевизион фильм. 18.20 — Олий математика. 19.20 — Космонавтика кунига. 19.50 — «Олимлар — чорвачиликка». Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Эртага— премьера». Кинокўрсатув. 21.30 — МТ-II

12 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Болалар учун фильм. 10.05 — Подмосковье ҳаваскорлик цирк коллективларининг чиқиши. 10.35 — «Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.45 — Телевизион илмий-оммабоп фильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Болалар учун фильм. «Афсона шундай бошланган». 17.15 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.45— Кубань Давлат казаклар концерти. 18.15 — «Биз БАМни қуряпмиз». 18.45 — «Спорт ҳафталиги». 19.15— «Дунё воқеалари». 19.30 — «Инсон, Ер, Коинот». 20.15 — «Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Космонавтларнинг санъат арбоблари билан учрашуви. 00.10 — «Дунё воқеалари».

МТ-II 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 — ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 14.05— Француз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — География. 12.05 — «Шахмат мактаби». 13.10 — Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси. 13.40 — Зоология. 14.35 — 20—30-йиллар совет манзарали живописи. 15.05 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.35 — В. С. Вишневский — коммунист-ёзувчи. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Тоғли ўлка». Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.00 — «Камалак». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 21.15 — «Городецк ўйинчоқлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Истеъдод». Телевизион бадиий фильм.

Ўз ТВ-I. 17.40 — «Ассалом, космос!». 18.40 — «Сўз кетидан сўз келар». 19.00 — «Космонавт Владимир Жонибеков». Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Янгийўл тажрибаси». 20.00 — Демьян Бедний туғилган куннинг 100 йиллигига. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Аёл қалби наволари». Музикали программа. 21.30 — «Время». 22.05 —«Сув ва ҳосил». 22.30 — «Қанотлар ҳақида достон». Бадиий фильм. 2-серия. 23.55 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.10 — Физика. 19.10 — Болалар учун фильм. «Мен ўйнагани кетдим». 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00 — «Келажак билан ҳозма-юз». Телевизион фильм. 21.30 — МТ II.

13 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 9.00 —«Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.15 — «Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.30 —«Саёҳатчилар клуби». 12.20 — Фильм-концерт. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Инсон олов билан қурашда». Ҳужжатли фильм. 16.05 —«Рус тили». 16.35— Концерт. 16.50— Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 17.35 — «Алкоголизм ҳақида суҳбатлар». 18.05 — Г. Алижонова куйлайди. 18.20 — «Стадион хамма учун». 18.50— Мультфильм. 19.15 —«Дунё воқеалари». 19.30 — Д. Бедний туғилган куннинг 100 йиллигига. 20.10—«Оқ шомон». Телевизон бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.05 —Ҳужжатли фильм премьераси. 23.15 — «Россия». Давлат республика рус халқ ансамблининг чиқиши. 23.40 — «Дунё воқеалари».

МТ-II 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 —«Шимолда, балиқчилар ҳузурида». Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35—География. 10.05 ва 14.10 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 —«Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 — М. В. Исаковский. «Ленин ҳақида ўйлар». 13.40 — География. 14.40 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 15.10 — «Звездочет» телевизион журнали. 15.55 — А. П. Чехов. «Иванов». 16.40 — ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Музикали программа. 20.00 —«Ҳаракат хавфсизлиги учун». 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 —«Время». 22.05— «Қон-қардошлар». Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 11.30 — «Фонарик». 12.00 — «Катта оила». Телевизион фильм. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — «Қанотлар ҳақида достон». Бадиий фильм. 1-серия. 18.05— «Эски омборхонада». Мультфильм. 18.15 — Болалар учун концерт. 19.00— Ал-Хоразмий туғилган куннинг 1200 йиллигига. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Ижод гулшани». 20.30—«Ахборот». 20.50— А. Навоий номли Давлат академик Катта театри солистлари ижросида опералардан ариялар. 21.30—«Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». 22.20 — «Резидент хатоси». Бадиий фильм. 1-серия. 20.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.10 — «Уста». Телевизион фильм. 18.20 — Математика. 19.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.50 — «Шунчалар узоқ ва яқин Мешчера». Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00—«КамАЗ: иккинчи ҳаёт». Телевизион фильм. 21.30 — МТ-II.

14 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 9.00 —«Время». 9.40— Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 10.25 — «Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.40 —Фильм-концерт. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — «Рассомлар ҳақида қиқоялар». 16.45 — Концерт. 17.15 — «М. Шолохов. «Тинч оқар Дон». 18.00 — «Шахмат мактаби». 18.30 — «Миллионлар ленинча университети». 19.00 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Инсон ва қонун». 20.00 — Футбол бўйича халқаро учрашув. Швейцария — СССР. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 23.35—«Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 13.30 — Испан тили. 11.05 — СССР халқларининг куйлари. 1-кўрсатув. 11.35 ва 12.40 — «В. И. Ленин Л. Н. Толстой ҳақида». 12.05 — «Онамларнинг мактаби». 13.10 — Табиатшунослик. 14.00 — Телевизион очерк. 14.30 — «Ғалла сабоқлари». 2-кўрсатув. 15.15 — «Яланг-оёқлар». Бадиий фильм.

15 АПРЕЛЬ, ЖУМА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Мультфильм. 10.00 — «Севги изҳори» Бадиий фильм. 11.05— СССР халқ артисти И. Архипова концерти. 11.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 12.15 ва 15.00 Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 16.15 — «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртаси». 17.00 — Новосибирск камер хори ижро этади. 17.30—«Комсомол прожектори». 17.45 — Концерт. 18.00 — «Горнчилар қаердасиз!». 18.45 — «Фан ва турмуш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — А. Эшпай. Оркестр ижроси учун концерт. 19.50 —«Максимнинг қайтиши» Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Рус музейи». 22.35 — «Дунё воқеалари». 22.50 — «Бу яқиндагина содир бўлган эди». Кўрсатувни СССР халқ артисти С. В. Образцов олиб боради. 23.35 — Телевизион ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 13.30—Инглиз тили. 11.05 — Умумий биология. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Я. Купала поэзияси. 13.10 — Табиатшунослик. 14.00 — Телевизион очерк. 14.30 — Эстетик тарбия. 15.00 — «Ернинг чинакам эгаси бўл». 15.30 — Демьян Бедний —революция қўйчиси. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — «Сочи —82». Совет қўшиқлари Бутун Россия конкурси лауреатларининг концерти. 19.30 —Илмий-оммабоп фильм. 19.40 — «Саёҳатчилар клуби». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқ ижоди» 21.30 — «Время». 22.05 — Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — Болалар учун фильм. «Мишка — сеҳргар». 12.30 — Телевизион фильмлар. 13.30 — «Замандас». 18.05 — Кўғирчоқ фильмлар. 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Қармоқ». Ҳужжатли телефельетон. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Эстрада калейдоскопи». 21.30 — «Время». 22.05 — «Дунё воқеалари». 22.35— Экранда — кинокомедия, «Насриддин Хўжанда».

ЎзТВ-II. 18.00 — Чизма геометрия. 18.50 — «Саломатлик алифбеси». Телефильм. 19.50— «Чимёнда спорт» Телевизион киножурнал. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Коммунистик меҳнат байрами». 20.50 —Совет фани кунига бағишланган ҳужжатли фильм. 21.30 — **МТ-II.**

16 АПРЕЛЬ, ШАНБА

МТ-I. 9.00—«Время». 9.40 — РСФСР Давлат духовой оркестри чалади. 10.10 — «Спорт-лотонинг 16-тиражи. 10.20 —«Максимнинг қайтиши». Бадиий фильм. 12.00 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.35 —Кинокўрсатув. 13.05 — «Рус музейи». 13.35 — «Камалак». 14.10 — «Ҳайвонот оламида». 15.10 — «Дунё воқеалари». 15.25 — «Халқ устаси А. Ранцан». Телеочерк. 15.55 — Шеърий композиция. 16.25 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 16.55 —Концерт. 17.35 — «Коммунистик шанбалик кундалиги». 17.50 —Совет тинчликни сақлаш комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 18.35 — «1983 йил қўшиқлари». 20.05 — «Омад тилайман». Бадиий фильм. 21.30 —«Время». 22.00 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати: СССР — ГДР (23.20) Финляндия — ЧССР. 24.00 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00— Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари. 10.15 — «Тонгги почта». 10.45 — ДОҒИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 11.45 — Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.15 — Р. Ғамзатов. Адабий композиция. 13.00 — «Ғолиблар». 14.20 — «Балет ҳақида». 15.40 — «Ўринбосарлар». Ўзбекистон ССР Олмалиқ шаҳридаги ҳунар-техника билим юрти ҳақида ҳикоя. 16.05 — «Халқ куйлари». 16.20 — Болалар учун фильм. 17.40 —«Здоровье». 18.25 — Фильм-концерт. 19.15 — «Жостов нақш санъати». Уста П. Плахов. 19.45 — «Халқаро обзор». 20.00 — «Музикали киоск». 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 21.30 — «Время». 22.00 — «Давр, олға бос». Бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 10.40 — Телефильм. 11.00 — «Бугун — ленинча Коммунистик шанбалик». Репортаж. 11.25 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 12.45 — «Тоғлар чорлайди». Бадиий фильм. 14.00 — «Ҳовлимизидаги стадион». 14.30 — «Шанбалик кундалиги». 17.00— Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Нистру». 18.50 — «Ўйлаб топ». 19.20 — «Ер эгаси». Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.50 — «Цирк, Цирк. Цирк». 20.30 — «Ахборот». 21.00 — Ўзбекистон санъати усталари ва ижрочи ёшларининг концерти. 21.30 —«Время». 22.00 — Концертнинг давоми. 22.30 — «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Кинокомедия.

17 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 —Телевизион ҳужжатли фильм. 10.00 — «Будильник». 10.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 — «Здоровье». 12.15 — «Тонгги почта». 13.00 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 — «Музикали киоск». 14.30 — «Фан ва техника». Киножурнал. 14.45 — Концерт. 15.45 — «Бугун — Совет фани куни». 16.15—«Табрикларимизни қабул этинг». Музикали кўрсатув. 17.00 — «Ҳар биримизга боғлиқ». «Жойида ҳал этилмоқда» туркумидан 7-кўрсатув. 18.00 — «Халқаро панорама». 18.45 — Мультфильмлар. 19.30—Телевизион фильм. 20.30 — «Саёҳатчилар клуби». 21.30 — «Время». 22.05—Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР— Финляндия. 00.25 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.20 «Давр олға бос!». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 11.50 — ЧЕЛЯБИНСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 12.30 —«Ерда, самода ва денгизда». Радиоспорт. 13.00 — «Космик белanчак ҳақида гипотеза». Илмий-оммабоп фильм. 13.15 —Концерт. 13.40 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 14.40 —Болалар учун фильм. 15.45 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Торпедо» (Москва). 17.15 — «Сарсонлик саргардонликда». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия. 18.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 19.00 —Халқаро конкурслар лауреати В. Постникова чалади. 20.00 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугун ёки ҳеч қачон». Бадиий фильм.

ЎзТВ-I 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Ғизғизон». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 11.50 —Кўғирчоқ фильм. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — «Кўр музикачи». Бадиий фильм. 14.15 — «Ёнгиндан эҳтиёт бўлинг». 14.45 — «Ўзбекистон спорти». 15.15 «Реклама». 18.05 — «Довюрак бўлиш осонми». Мультфильм. 18.15 — «Китоб—бизнинг дўстимиз». 19.00 — «Фан уфқлари». Ҳужжатли фильмлар программаси. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Назм ва наво». Бобур лирикаси. 20.30— «Ахборот». 20.50 — «Назм ва наво». Бобур лирикаси. 21.30— «Время». 22.05 —«Пилла—бойлигимиз». 22.20 — «Куюнма». Бадиий фильм.

КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЭРТАГА — ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ҚЎШИНЛАРИ КУНИ



ҚИЗИЛ БАЙРОҚ орденли Киев ҳарбий округи. Осмон ҳужумидан мудофаа Киев олий радио-техника инженерлари билим юрти юқори малакали ҳарбий инженерларни тайёрлайди. Билим юрти битирувчилари СССР Қуролли Кучлари сафида ўз бурчларини шараф билан бажармоқдалар. Аудитория ва лабораториялардаги радиоэлектрон, радиолокацион, радиотехника ва ҳисоблаш техникасининг энг янги ва замонавий аппаратуралари бўлажак офицерларга ўз касблари сир асрорларини пухта ўзлаштириш имкониятини бераётир.

Суратда: Сталинград жанги қатнашчиси, истеъфодаги полковник Н. С. Скакун бўлажак мутахассисларга ўз хотираларини ҳикоя қилиб бермоқда.

А. Бормотов фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

РЕСПУБЛИКА Ёзувчилар союзида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим раислигида ҳарбий-ватанпарварлик адабиёти кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Улуғ Ватан уруши йилларида фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан ўзбек адиблари яратаётган турли жанрдаги асарлар хусусида фикр алмашдилар. Шу мавзуда қалам тебратаётган ёзувчиларнинг ижодий режалари билан танишиб, уларнинг Совет Армияси сафларида йигитлик бурчини ўтаётган ёшлар билан алоқалари ҳамда мактаб ўқувчилари орасида ҳарбий-ватанпарварлик соҳасида олиб бораётган ишларининг муҳим аҳамиятини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда М. Муҳаммедов, М. Хайруллаев, Назармат, Б. Пармузин, Ҳ. Тожибоев, Н. Стрижков сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ижодий мулоқот ниҳоясида Улуғ Ватан уруши фронтларида жасорат кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган ўзбекистонлик жангчилар ҳақида очерклар тўпламини тайёрлаб, ўзбек ва рус тилларида нашр этиш режалаштирилди.

А. ҲАЙДАРОВ.

УКРАИНАДАН ХАТ

Десантчиларни қидиряпмиз

Бирордарлик мозорида қад ростлаган бу ёдгорлик-монументда 15 нафар совет жангчилари мағрур боқиб турибдилар. Уларнинг тош қотган юзларида азоб-уқубатларга бардош, олов чақнаган кўзларида келажакка ишонч туйғуси ўз ифодасини топган. Ўртада хушбичим қоматли қиз, унинг ёнида десантчиларнинг талабчан, аммо тадбиркор командири кўкрак кериб турибди.

Москвалик архитектор Н. И. Брацун томонидан яратилган бу ёдгорлик 1941 йилнинг кузида Украина ССРнинг Херсон шаҳри территориясидаги Аскани-Нова қўриқхонаси, ён-атрофига ташланган совет десантчиларининг ўлмас жасоратларини ўзида мужассам этган. Группа жанговар топшириқни бажараётган вақтда душман томонидан қўлга олиниб, мислсиз қийнов-қистовга солинган эди. Бироқ ҳар қандай дўқ-пўписалар ҳам, ўлим даҳшати ҳам десантчилар иродасини бука олмади. Улар душманга группа мақсадини ҳам, ўз исм-шарифларини ҳам айтмадилар...

Орадан йиллар ўтгач улар қатл этилган жойда — эски ботаника боғининг тош деворлари олдида мазкур ёдгорлик пайдо бўлди. Ўлкашунослик ва қизил изтопарлар отрядлари аъзолари номаълум қаҳрамонлар ҳаётини ўрганиш юзасидан хайрли иш бошладилар. Афсуски, ҳозиргача улар ҳақида бирон-бир аниқ маълумот топилмади.

Биз азиз газетхонларга мурожаат қилиб, ёрдам беришларини сўраймиз. Аскани-Новага ташланган парашютчилар ҳаёти ва жанговар фаолиятига доир қандай маълумотларга эгасиз? Жавобларингизни қуйидаги адресга ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз:

325002, Украина ССР, Херсон шаҳри, Приднепров парки, Тўқимачилар маданият ва техника саройи, «Родина» клуби.

А. ЦИТРОН,
қидирув группаси аъзоси.

НОЁБ ЭР

Иван СОЧИВЕЦ.
Украина.

ҲАЖВИЯ

НОЁБ эр бу мен. Қайнонам ҳам, қариндош-уруғларим ҳам, хотинимнинг барча дугоналари ҳам мени «ноёб эр» деб аташади. Очиғини айтсам, бундай тенгги йўқ эр бўлиш фан кандидати ёки фан доктори илмий даражасини олишдаги қийинчиликлардан асло қолишмайди.

Ўзингизга маълумки, фандаги даража ва унвонга эга бўлган одам рағбатлантирилади. Мендайин ноёб эр эса фақат баланд-парвоз, ширин сўзларнигина эшитаверади. Бундай сўзлар кетма-кет такрорланаверади...

Тўйимиздан қолган нону пишириқларни еб тугатганимиздан сўнг оилавий мустақил ҳаёт кечириш дамлари бошланди. Қисқаси бўйинга хуржун осилди. «Нонушта қилиб олсак бўлармиди», дедим ойна олдида қарийб бир соатдан бери пардоз қилиб ўтирган хотиним-Лизага.

— Ҳа, ҳа, — хотиним кула бошлади. Умуман мен овқат пиширишни асло билмайман, — деди Лиза сочларига ишлатиладиган бир нечта сим—темирни тишлаган ҳолда. Маникюр қилинган қўлларим билан картошка артишим қолувдими?

Гапларимдан ўзим ҳам уялиб кетдим.

«Тўнғиз экансан-ку, — дедим ўзимга-ўзим. — Ўзингку бир амаллаб уйланган эдинг. Нима, энди сенга хизмат қилишларини истаб қолдингми?».

Шу фикрлар билан ошхонага югурдим. Тухум чақиб қуймоқ пиширдим, унинг устига кўк пиёздан тўғраб аралаштирдим ва қора мурч сепиб дастурхонга келтириб қўйдим.

— Вой, вуей! Жуда ажойиб экансан-ку, — дея мақтаб кетди Лиза қуймоқдан тушира туриб. Энди истаган пайтимда қуймоқ қилиб бераверасан-а!

Унинг гапларидан хурсанд бўлдим.

Яхши кайфият билан ишдан қайтиб келдим. Лиза қучоқ очиб кўтиб олди.

— Йўлларингга шунчалар кўзларим тўрт бўлдики, қўяверасан. Тезроқ бўлақол. Бирор нарса пишириб бермасанг очимдан ўлиб қоламан.

Қуймоқдан бўлак картошка қовуриш ва уни қуруқ сувда бутунлигича пиширишни ҳам билардим.

Картошкани қовуриб, дастурхонга келтирганимдан кейин Лиза мени яна мақтай кетди.

— Дарҳақиқат сен қойилмақом одам экансан. Энди менга ҳамиша картошка қовуриб бераверасан. Уни қовуриш сенинг гарданингда.

Кечқурун картошкани бутунлайича сувда қайнатиб пиширдим, Лиза буни тайёрлашни ҳам менинг бўйнимга юклаб қўйди.

Бу бир ёки икки ҳафталар давом этди. Кейин нима бўлганлигини эслай олмайман. Негаки, хотиним минғиллаб қолди. Қуймоғинг меъдамга тегиб кетди, совуғимни ошириб юборди. Сувга пиширган картошкангдан оппоқ юзларим заъфарон бўлди.

Унинг бу гапларидан еяётган овқатим томоғимга тиқилиб қолаёзди.

«Эҳ, каллаварам. Бир хил овқатни еявериш, албатта, меъдага тегади-да. Сигирларга ҳам ҳамиша кунжара егиздиришавермайди-ку. Гоҳо пичан, гоҳо маккажўхори пояси беришади. Мен бўлсам бир нозик-ниҳолни фақат қуймоғу картошкага боғлаб қўйсам?!».

Жиддий ўйлашлардан кейин хилма-хил овқатлар пишириш тўғрисида ёзилган пазандалик китобини сотиб олдим. Уни сира ҳам қўлимдан қўймасдим: йўлда ҳам, трамвай ёки автобусда ҳам, ҳатто овқатланаётганимда ҳам ўқирдим. Китобдан турли-туман овқатлар борлигини билиб олдим. Тез орада шницель, бефстроган, отбивной, қишлоқча биточкалар, балиқ димламаларни ўрганиб олдим. Рассолник, харчо, солянка пиширишни ўзлаштирдим. Энг асосийси наполеон тортларини ҳам тайёрлашни ўргандим.

Хотиним билан иккоклан аҳён-аҳёндагина овқатланардик. Чунки хотинимнинг ота-онаси бизларникига жуда тез-тез келадиган бўлиб қолишди.

Кунлардан бир кун ошхонада овқат пишираётганимда қайнонамнинг менинг шаънимга айтаётган гапларини эшитиб қолдим.

— Қизалоғим, худога минг бор шукур қилгинким, сенга шундай ноёб эр учраб қолди! Ё тангрим-ей, унинг пиширган таомларининг ҳаддан ташқари мазалилигини айтмайсанми. Гап бундай, опаларингни эрлари билан, албатта, сеникига таклиф қилмоқчиман. Бошқа куёвлар ҳам ҳаммаси эрингдан хилма-хил овқатлар пиширишни бир ўрганиб олишсин.

Бу гаплар, биласизми, мени мағрурлантириб юборди. Уйимизга қариндош-уруғларимиз тез-тез кела бошлайдиган бўлишди. Уларга овқат ташиб юриб ўзимни-ўзим мақтардим ва уларга овқат тайёрлаш сирларини ўргатардим.

Қарангки, айиқ, буғи ва тўнғиз гўштларидан таом тайёрлашни ҳам ўзлаштириб олдим.

Хотинимнинг дугоналари меҳмон бўлган кеча жуда ҳам мароқли ўтди. Уларнинг «Лизахон, сени табриклаймиз. Ажойиб ноёб эринг бор-да», деган сўзларини эшитиб жуда мазза қилдим. Лизагинамга катта раҳмат, ошпазлик санъатини такомиллаштиришим учун қўлидан келганини қиляпти. У ошхонага радио ўрнаттириб берди. Энди бўлса пазандачилик соҳасидаги янгиликлар билан ҳамиша танишиб турибман.

Мен футбол майдонига бормасам ҳам бошқа эрлар сингари футбол янгиликлари билан танишиб турибман. Лизага яна бир бор раҳматлар бўлсинким, у ўзига абонемент сотиб олди. Энди бирорта ҳам ўйинни канда қилмайди. Кечқурун овқатланиб ўтирганимизда бурчакдан тепилган тўп борми, ўн бир метрлик жарима тўпи борми, гапириб бериб, кўнглимни чоғ қилади.

«Ноёб эр» деган сўзнинг жуда катта маъноси бор. Лекин мен бу мақтовга бироз танқидий кўз билан қарайман, аванс сифатидагина қабул қиламан, холос. Ҳозир мен кир ювиш, полларни артиб чиқиш каби юмушларни биламан. Булардан ташқари қўлқоп билан пайпоқ тўқиш ҳам қўлимдан келадиган бўлиб қолган.

Аммо мен бир нарсадан безовтаман. Мени хотин-қизлар қанчалик кўп мақташгани сари думалоқ хатларни ҳам кўплаб ола бошладим. Мана шундай хатлардан бири: «Сен сотқинсан! Ўзингку аёлларнинг юбкасини кийиб олибсан, лекин ҳаммага ошкор қилиб юришинг нимаси? Бўлмаса, худди терингга сомон тиқамиз-а!».

Шу кунларда бозорга бориш ҳам хатарли бўлиб қолди. Келинг, қўлга тушиб қолиб яна калтак еб ўтирмай...

Русчадан Т. УНАБОЕВ таржимаси.

«СЕМУРҒ» ҚАЙТА САҲНАЛАШТИРИЛДИ

ТОМОШАБИНЛАР республика қўғирчоқ театри Ҳамид Олимжоннинг машҳур асари асосида яратган «Семурғ» спектакли премьерасини орадан 15 йил ўтгач яна томоша қилдилар. Асар қайта саҳналаштирилди. Бу сафар габроволик болгар ҳамкасблар билан ижодий ҳамдўстлик театр артистларига ёрдам берди. Тошкентлик саҳна усталари Болгариянинг ана шу шаҳрида ўз дўстлари билан тажриба алмашдилар, «Семурғ» спектакли устида биргаликда иш олиб бордилар.

Қўғирчоқ театрининг иш планида катта ёшдаги томошабинлар учун программалар тузиш белгиланган. Бу Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланади.

(ЎзТАГ).

ҚАТРА ХАНДАЛАР

ЮПАТИШ

— ЎҒЛИМ жониворпаррандаларга нисбатан жуда бераҳм. Нима қилсам экан? — дея ташвишланиб сўради бир аёл дугонасидан.

— Ошиғинг олчи экан, севинавер, ўртоқжон! Ўғлинг улғайса қассоб бўлади, пичоғинг мой устида-ку... — деб юпатди дугонаси.

СЕН ЕТМАЙ ТУРГАНДИНГ!

— Сен ҳадеб қўшниникига чиқиб, уларнинг жонига тегяпсанми? —койиди она тўрт яшар ўғлини.

—Йўқ, ойи, улар мендан хафа эмас. Мана ҳали чиққанимда ҳам Аббоснинг адаси менга: «Келдингми, сен етмай тургандинг!» — деб суюнди-ку...

МАҚТАНИШ

БИРИНЧИ синфга эндигина қадам қўйган қизалоқ уйга келиб ойисига мақтанди:

— Бугун мен доскага чиқдим.

— Ўқитувчи сендан дарс сўрадими?

—Йўқ. Улар ёнларига мени чақириб: қара, ўртоқларинг қандай яхши ўтиришибди. Сен ҳам шундай ўтир. Чархпалакка ўхшаб айланаверма, — деб айтдилар.

ОТА ЙИҒИСИ

ТУҒРУҚХОНАДА икки ҳамшира ўзаро суҳбатлашмоқда эдилар:

—Баланд овоз чиқариб йиғлаётган ким? Боя туғилган...

— Ҳа, бу — ўша эгизаклар отасининг овози. У коридорда йиғлаб ўтирибди.

● АЛИШЕР Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрининг барча спектаклларида ёш ижрочилар муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Суратларда: ёшлар қатнашган спектакллардан айрим кўринишлар. [Чапдан] 1. З. Нуримбетова ва Д. Шаймуҳамедов; 2. Н. Зенькина ва Е. Тюрникова; 3. З. Давлатмуродова ва Х. Бозоров.

М. Исломов фотолари.

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

ЛОЛАЛАР ЯШНАБ ТУРСИН

ТАБИАТНИ муҳофаза қилиш жамияти область бўлими раисининг ўринбосари Т. Турсунов шаҳар ва районлардан келган табиат жонкуярлари билан навбатдаги йиғилишни ўтказгач, Ангрен, Янгиобод шаҳарлари, Бўстонлиқ, Паркент, Тошкент, Оржоникидзе районлари вакилларини ўз хонасига таклиф қилди. Гап табиатнинг энг нодир ва гўзал инъомларидан бири — лолани авайлаб асраш, уни эъзозлаш мавзуига кўчди. Бир қатор тадбирлар белгиланди.

Ана шу суҳбатдан сўнг мазкур шаҳар ва районлардаги яшил қўриқчилар отряди сони кўпайтирилди. Ҳозир улар қир ва адирлардаги лолаларнинг талон-тарож қилинишига қарши кураш олиб боришмоқда.

Областимиз шароитида апрель ойининг ўрталарида қийғос очиладиган лолалар йирик ва нафислиги билан ҳар қандай кишини ўзига ром қилади. Қадимдан маълум ва машҳур бўлган пиёзгуллилар оиласига кирувчи кўп йиллик бу гулларнинг 140 дан ортиқ тури дунё мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалган. Биргина бизнинг республикамиз шароитида табиий лолаларнинг 25 турини учратиш мумкин. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкент Ботаника боғи олимлари 60 турдаги лолаларни республикамиз иқлим шароитига мослаштирмоқдалар.

Тошли ва чағир тошли қияликларда, қир ва адирларда ўсадиган қизил ҳамда тарғил лолалар жуда тез кўпаяди. Уларни пиёзидан ҳам, уруғидан ҳам кўпайтириш мумкин. Қийғос очилиб уруғ боғлаган бир туп лола бир йилдан сўнг 10 туп бўлади.

Лекин областимиз тоғли зоналарида нафис гуллар кўпайиб бориш ўрнига йил сайин камайиб кетмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳордиқ чиқариш учун табиат қўйнига чиқаётганларнинг маданиятсизлиги, лолаларни талон-тарож қилиб, топташларидир. Айримлар лолаларни беҳуда юлиш билан чекланиб қолмай пиёзларини ҳам кавлаб олишмоқда.

Бугун ва эртанги дам олиш куни, эҳтимол, сиз тоғ бағрига ошиқаётгандирсиз. Чўғдек очилиб турган лолалар кайфиятингизни кўтариб, руҳингизни тетиклаштиради, албатта. Гуллардан анқиб турган муаттар ҳид димоғингизга хуш ёқади, сайлдан асабингизга дам бериб қайтасиз. Шундай экан, лолани узманг. Сиздаги тетиклик эртага яна бир кишига, келгуси йили эса ўн кишига ўтади.

Шунда табиатга носамимий муносабатда бўлаётганларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилаётган ўнлаб яшил қўриқчилар отряди аъзолари ҳам сизни ортиқча саволларга тутишмайди, уялтиришмайди.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
табиатни муҳофаза қилиш жамияти область бўлими агитация-пропаганда секцияси раиси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

● ФУТБОЛ. Пойтахтнинг марказий Армия спорт клуби ва Ереваннинг «Арарат» командалари ўртасидаги ўйин билан СССР 46-чемпионатининг тўртинчи тур учрашувлари старт олди. Майдон эгалари ҳисобни очгандан кейин, яна камида 3—4 марта тўп киритиш имконига эга бўлдилар-у, лекин унинг уддасидан чиқишолмади. «Арарат» капитани Оганесян аввалига ҳисобни тенглаштиргач, сўнгра ғалаба тўпини киритди. «Арарат» 2:1 ҳисобида ғолиб келди.

● ШАХМАТ. Мамлакат 50-юбилей чемпионати мусобақаларини «Советский спорт» газетаси саҳифаларида ёритаётган М. Тайманов билан В. Васильевлар навбатдаги ахбороотларига «Эҳтиёт бўлинг: мина» деб сарлавҳа қўйишибди. Бунинг боиси шундаки, ёшлар гроссмейстерларга қарши чиройли ва ҳужумкор ўйнашмоқда. Жумладан, Г. Аъзамов Тукмаков билан бўлган учрашувни кечиктириб, давом эттирганда кўпчилик бунга ажабланди. Рақиблар дуранга келишиб қўяқолса бўлмайдими, дейишди. Лекин Г. Аъзамов заргарларга хос иш тутиб рақибининг кичик хатосидан усталик билан фойдаланди ва ўйинни қўли баланд ҳолда яна кечиктирди.

● ВЕЛОПОЙГА. Янгибозор шоссесида велопойгачиларнинг 25 километрлик масофага шахсий пойгаси бўлиб ўтди. Клайпедалик И. Романов 33 минут 10,48 секунд натижа билан ғолиб келди. Тожикистонлик Н. Макаров иккинчи, Эстония пойгачиси О. Лаядов учинчи бўлди. Республикамиз вакили В. Куркин тўққизинчи ўринда қолди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ
99-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983-84 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аёлларнинг енгил кўйлакларини тикувчилар, аёлларнинг устки кийимларини тикувчилар, эркакларнинг устки кийимларини тикувчилар, сартарош, фотограф.

БИЛИМ ЮРТИГА 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Бичиш ҳуқуқини берадиган тикувчилар группасида эса ўқиш муддати 3,5 йил.

Билим юртини тугатганлар ўрта маълумот ҳақида ва танлаган ихтисоси бўйича 3—4 разряд берилганлиги тўғрисида диплом оладилар.

Ўрта маълумотга эга бўлган йигит-қизлар аёллар енгил кўйлакларини тикувчилар группасига қабул қилинадилар. Улар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ҳамма ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, шаҳар-район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг йўлланмаси.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Бекобод шаҳри, Касалхона шаҳарчаси (5-автобуснинг «Шаҳар касалхонаси» бекати). Телефонлар 49-09, 49-88.

«Узглавтоплесстройторг»
ТОШКЕНТ ЁНИЛҒИ БАЗАСИНИНГ ОМБОРЛАРИДА
АНГРЕН, КУЗБАСС, ҚАРАҒАНДА КЎМИРЛАРИ

СОТИЛМОҚДА

Гражданлардан ва коллективлардан ёқилғини марказлаштирилган ҳолда уйга элтиб бериш учун
ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Инвалидлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Иттифоқ, республика, маҳаллий миқёсидаги шахсий пенсионерлар ва қаҳрамон-оналарга навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Кўмир ва ўтин Улуғ Ватан уруши инвалидларига ва шахсий пенсионерларга 50 процент арзон баҳода сотилади.

ЁНИЛҒИ ОМБОРЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:
1—2-ипподромний проезди, 58-уй.
2— Уста Ширин кўчаси, 136-уй.
3— Полевая кўчаси, 52-уй.
4—Сергели посёлкаси, Шимолий саноат зонаси (саноат моллари бозори ёнида).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125-уй. Тошкент ёнилғи базаси. Телефонлар: 48-46-81, 91-39-85, 48-25-62.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—1984 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг профилдаги фотографлар, кенг профилдаги сартарошлар, кенг профилдаги ошпазлар ва сотувчилар, якка буюртма тикувчилари, қандолатчилар, электр жиҳозларга маиший хизмат кўрсатиш бўйича электрик — усталар (холодильник, кир ювиш, чанг тозалаш машиналари), тикув машиналари бўйича усталар, соат тузатиш ва уни гравёр қилиш усталари — соатсозлар, радио ва телевизорлар тузатиш усталари.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЁШЛИ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати 1—2—3 йил.

Билим юртига ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган меҳнат ҳақининг 33 проценти ўқувчиларга берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киритилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлардан фойдаланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига киришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, мактабдан характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, 112-Қорақамиш массив (42, 43, 43 «э»-, 56, 82-автобуслар ва 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати). Телефон 48-68-59.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— «АБВГДейка». 10.10 — «Спортлото»нинг 15-тиражи. 10.20 — «Ота-оналар, сизлар учун». 10.50 — «Ҳаракат хавфсизлиги учун» 11.20 — «Халқ ижоди». Телекўрсатув. 12.05 — «Ёдингдами ўртоқ...». 13.05 —Телевизион ҳужжатли фильм. 13.15— Концерт. 14.05 —«Рус музейи». «Рус графикаси». 14.30 — «Камалак». 15.00 — «Дунё воқеалари». 15.15 — Москва камер хорининг концерти. 17.25 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 17.55 — Болалар учун фильм. 18.20 — «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 19.20 — Мультфильмлар. 19.55 — «Ҳамдўстлик». Тележурнал. 20.25 — «Инженер Баркасовнинг беҳаловат куни». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Инженер Баркасовнинг беҳаловат куни». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 00.20 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 — «Ватан осмони посбонлигида». Ҳужжатли фильм. 10.20 — «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 10.50 — «Тақводор Марта». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.05 — Халқ куйлари. 13.20 — «Олам кинокамера кўзгусида». 14.00 — «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 15.30 — «Саёҳатчилар клуби». 16.30 — КИЕВ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.40 — Халқаро обзор. 18.55 — Концерт. 19.45 — «Здоровье». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Музикали киоск». 21.15— Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Каккули соат». Телевизион спектакль.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.55 — «Сўз кетидан сўз келар». 11.15 — «Оддий сеҳргар». Кинокўрсатув. 12.05 — «Шахмат мактаби». 12.35 — «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 14.00 — «Оталар университети». 14.30— «Биз ҳордиқ чиқарадиган дамлар». 17.55 — Мультфильм. 18.05 — «Ўсмирлар учун». «Тенгдош». 18.45 — «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 19.30 —«Ахборот». 19.45—Ёзувчилар ёзувчилар ҳақида». Абдулла Орипов. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Мақом тароналари». Концерт. 21.30 «Время». 22.05 — «Осмондан тушган бешовлан». Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П. ЛЕНИН кўчаси, 41

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; пропаганда 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт— 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат— 325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01903. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1575. 1 2 3 4 5 6 7 8 8 10 11 12 13 14